

КАМБАҒАЛЛИК НЕГА ВА НИМА УЧУН
ҚИСҚАРТИРИЛАДИ?

5

ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ЧИНДАН АРЗОН,
ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИМИ?

10

Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСII,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА

#7 (2093) | ШАНБА, 18 ФЕВРАЛЬ 2023 ЙИЛ

WWW.XOLISNAZAR.UZ

@XOLIS_NAZAR

@XOLISNAZAR



«МАҲАЛЛАДАН ВАЗИРЛИККАЧА»:

ҲУКУМАТ ВА ЁШЛАР ОРАСИДАГИ МАСОФА ЯНАДА ЯҚИНЛАШАДИ

2-
саҳифада.

ТАШАББУС ВА МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЯПТИ

Ўн саккизта вазирлик ва идоралар, турли соҳа ташкилотлари раҳбарлари ва вакиллари иштирокида тузилган Республика ишчи гуруҳлари ва тезкор штаблар Бухоро вилоятининг Шофиркон тумани ҳамда Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида ижтимоий-иқтисодий ҳолатни ўрганмоқда.

3

НОМУСНИ ТОПТАГАННИ ОСОНГИНА КЕЧИРИБ БЎЛМАЙДИ

Ҳаётда қиммат ва қимматли нарсалар бўлади. Данғиллама уй-жой, ҳашаматли машина, тақинчоқу кийимлар қиммат нарсалар бўлса, умр, соғлиқ, орномус, ишонч кабилар қимматлидир. Афсуски, қиммат буюмлар, деб қимматли нарсаларидан айрилиб қолаётганлар кўп...

14

ВАЛЮТАФУРУШЛАР ҲЕЧ КИМДАН ҚЎРҚМАЙДИМИ?

Фирибгарлар тузоғига тушмаслик учун банкوماتларнинг доимий ишлашини назорат қилиш, айирбошлаш шохобчаларининг туну кун ишлашига шароит яратиш керакдир? Бугун нафақат банкوماتлар олдида, балки катта кўчаларда, ҳатто банкларнинг олдида уларни учратиш мумкин. Хўш, улар ҳеч кимдан қўрқмайди?

15

ЧАҚАЛОҚЛАР «АЛЛА»НИ АУДИОДА ЭШИТИБ УЛҒАЯДИ... (МИ)?

Ёш келинларимизнинг гўдакларга алла айтиши урфдан қолмаяптими кейинги замонларда? Асрлар давомида айтилиб келинаётган бу қўшиқ (аслида қўшиқ эмас, онанинг ўз жигарбандига тилак-нияти, юрак сўзи, муқаддас қадриятларимиз инъикоси десак, тўғрироқ бўлар) йиллар ўтиб унутилишга юз тутадими?

16



«МАҲАЛЛАДАН ВАЗИРЛИККАЧА»:

ҲУКУМАТ ВА ЁШЛАР ОРАСИДАГИ МАСОФА ЯНАДА ЯҚИНЛАШАДИ

ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ФАҚАТ ИДОРЛАРДА ЁКИ МАКТАБЛАРДА БЎЛМАЙДИ. МУЛОҚОТНИ УЗВИЙ РАВИШДА ЙЎЛГА ҚЎЙИШ УЧУН, БИРИНЧИ НАВБАТДА, ЁШЛАР БИЛАН ОЧИҚ ВА ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон — ёшлар мамлакати. Аҳолининг 64 фоизидан ортигини айнан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Уларнинг ҳар бирининг орзулари ва ўз олдига қўйган мақсадлари кўп. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва қўллаб-қувватлови уларга бу мақсадларни амалга оширишда кўмак беради.



эга бўлмасдан кириб келмоқда. Ваҳоланки, кимнинг қўлида хунари бўлиб, чет тилини билса, йўли очик. Бугун ёшларда шундай имконият бор. Узини қийнаб, қунт билан билим олган, хунари ўрганган киши ишсиз қолмайди.

Шу боис 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб, ҳар бир туман(шаҳар)нинг биттадан мактабида ўқувчиларни иккита хорижий тил ва битта касб-хунарга ўргатиш амалиёти босқичма-босқич йўлга қўйилади. Натижада ўқувчилар 10-синфдан бошлаб, маҳаллалар хусусиятидан келиб чиқиб, 64 та ишчи касблар, 21 та соҳада тадбиркорликка, 10 та IT ва «креатив индустрия» йўналишидаги касбларга ўргатилади. Ушбу жараёнга маҳалладаги ёшлар етакчилари ва ҳудуддаги таниқли тадбиркорлар жалб қилинади. Шу орқали «Ҳаёт мактаби» дастури амалга оширилади. Бу келгусида янгича фикрли, касб-хунари, битта хорижий тилни мукамал билган, кенг дунёқарашга эга ёшлар улғайиши кафолатидир.

Ёшлар «маҳалладан вазирликкача» тизими орқали давлат идораларига бириктирилади. Ёшлар эътибор ва ғамхўрлик билан тўла қамраб олинishi керак. Зеро, уларнинг камолоти, униб-ўсиши, ривожланиши, қизиқиши, ҳаётига беварқ қараш эртанги кунимиз, келажакимизга лоқайдлик билан баробар.

Президент бежиз бу ташаббусни ўртага ташламади. Тўғри, бугунгача ҳам ёшлар боғча давридан давлатнинг эътиборида, ғамхўрлиги остида. Юқорида қайд этилгани каби уларга маҳаллалардаги ёшлар етакчилари орқали ҳар томонлама кўмак кўрсатилмоқда. Эндиликда янги ғоя асосида бу ишлар ҳар бир давлат ташкилотини қамраб олади. Улар ўз йўналишларидан келиб чиқиб, йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш ташаббусини илгари суришади.

Биргина мисол: айни вақтда ёшлар таълим-тарбияси, шу жумладан, ижтимоий соҳа учун харажатлар миқдори давлат бюджетига харажатлар умумий қийматининг ярмидан кўпрогини ташкил этмоқда. Табиийки, ҳар қандай давлат бундай катта харажатларни кўтара олмайди, аммо қанчалик оғир бўлмасин, бунинг учун зарур маблағ ва ресурслар излаб топилмоқда. Ўзбекистон раҳбари мазкур харажатларни харажат эмас, балки келажак учун қўйилган энг самарали сармоя, деб ҳисоблаб, таълим даражаси ва сифати ҳар қандай давлатнинг истиқболлини белгилаб берадиган муҳим омил эканини таъкидлаётир. Чиндан ҳам, ислохотларнинг тақдири, натижаси, биринчи навбатда, кадрлар савиясига, уларнинг давр ва тараққиёт талабларига нечоғли жавоб бера олишига боғлиқ.

Бу жиҳатлар жорий йилнинг 15 февраль санасида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган йиғилишнинг асосий мавзуси бўлди. Унда ёшлар таълим-тарбияси, бандлиги, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди ҳамда бу борадаги муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси бор. Утган даврда маҳаллалар даражасида ёшлар билан ишлашнинг ўзига хос ноёб шакли жорий этилди. Яъни мавжуд 9 406

та маҳаллада ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилиб, йигит-қизларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш имконияти яратилди.

Натижада ёшлар мурожаатларини кўриб чиқиш муддати 30 кундан 5 кунга қисқарди, етакчилар тавсияси асосида ёшларга 25 та ёрдам тури кўрсатилмоқда. Утган йили ёш авлоднинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида 14-30 ёшдаги 9 миллион нафар йигит-қизнинг хатлови шакллантирилди. Бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, иқтидорини юзга чиқариш мақсадида беш босқичли «Беш ташаббус олимпиадаси» ташкил этилди.

Айтиш керакки, ёшлар билан мулоқот фақат идораларда ёки мактабларда бўлмайди. Мулоқотни узвий равишда йўлга қўйиш учун, биринчи навбатда, ёшлар билан очик ва юзма-юз мулоқот талаб этилади. Айнан мана шундай шароитда ёшлар етакчиси зарурат сезилади. Хўш, ҳар бир маҳаллада етакчиларнинг бўлиши мавжуд вазиятни қанчалик енгиллаштиради?

Уйлашимизча, улар ҳукумат ва ёшлар орасидаги масофани янада яқинлаштирди, ўғил-қизлар билан ишлашнинг янгича усуллари ишлаб чиқилди. Ёшларнинг билим олиши, замонавий касб-хуналарни эгаллаши, ўз истеъдоди ва қобилиятини рўёбга чиқариши, меҳнат билан банд бўли-

шида маҳалланинг ўрни ва нуфузи ошди, оддий келиб айтганда, ёшлар ўзлари дуч келган ҳар қандай масалада ёрдамни узоққа бормаи, маҳалланинг ўзида топа олишига эришилди.

«Ҳаёт мактаби» дастури ишга тушади. Давлатимиз раҳбари битирувчиларни касб-хунарга ўргатиш ва иш билан таъминлашга қаратилган «Ҳаёт мактаби» дастури амалга ошириш ташаббусини билдирди.

Эътибор берсангиз, касб эгалламай ўқишни битирганлар ҳаётда қийналади, иш тополмайди. Тахлилларга кўра, ҳозир 11 йил мактабда ўқиган бола чет тилини мукамал билмайди. Шароит ва мутахассислар йўқлиги сабабли ёшларни касбларга қизиқтириш муҳити шаклланмаган. Мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга

Умуман олганда, ёшларга оид давлат сиёсати маъно ва мазмун жиҳатдан яна бир янги босқичга кўтарилади. Бу жараёнда уларнинг бандлигини таъминлаш, касб-хунарга эгаллашига шароит яратиш борасида барча давлат органлари тизимли жалб этилади. Бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида ҳудудларда «Маданият карвони» тадбирлари, фестиваллар, интеллектуал ва спорт мусобақалари ўтказилади. Ёшлар сайлгоҳлари, креатив парклар ташкил қилинади. Бу каби саъй-ҳаракатлардан кўзланган мақсад аниқ: ҳар бир йигит-қиз мактабни тамомлаб, ҳеч бўлмаганда битта хунарни эгаси бўлсин, ўқиб, ўрганиб, изланиб, етук мутахассис сифатида камолга етсин, бўш вақти мазмунли ва таассуротларга бой ўтсин!

Санжар ИБРОҲИМОВ.

ИШЧИ ГУРУХ



ЎН САККИЗТА ВАЗИРЛИК ВА ИДОРЛАР, ВИЛОЯТ, ТУМАН СЕКТОРЛАРИ, ТУРЛИ СОҲА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОКИДА ТУЗИЛГАН ИШЧИ ГУРУХЛАР ВА ТЕЗКОР ШТАБЛАР ҲАР ИККИ ҲУДУДДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТНИ ЎРГАНМОҚДА

Ташаббус ва муурожаатлар эътиборсиз қолмаяпти

Давлатимиз раҳбари топшириғига асосан тузилган Республика ишчи гуруҳи ўз фаолиятини Бухоро вилоятининг Шофиркон тумани ҳамда Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида давом эттирмоқда. Ўн саккизта вазирлик ва идоралар, вилоят, туман секторлари, турли соҳа ташкилотлари раҳбарлари ва вакиллари иштирокида тузилган ишчи гуруҳлар ва тезкор штаблар ҳар икки ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни ўрганмоқда.

Бугунга қадар Шофиркон туманидаги 50 та маҳаллада 35 150 та хонадон, 638 та ижтимоий соҳа ва бошқа объектлар тўлиқ хатловдан ўтказилган.

Жойларда аниқланган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Шофиркон тумани аҳолисига 695,4 тонна қўшимча суюлтирилган газ етказилди. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 89 та темир-бетон таянч, 15 дона янги трансформатор ўрнатилди, 4 та трансформатор таъмирланди. Ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида 14 та маҳаллада ишлар бошланган бўлиб, ҳозирга қадар 24 км. тармоқ тортиш ишлари якунланди. Жами 49,8 км йўл таъмирланди. Шундан, 6,1 км. йўл асфальт қилинди, 39,7 км. ички йўллarga шағал ётқизилди, 4 км. йўл бетонлаштирилди.

«Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида 481 нафар фуқарога 13,0 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратилди. 640 нафар фуқарога 1,7 млрд. сўм субсидия берилди. 425 нафар фуқаронинг бандлигига кўмаклашилди. Шундан 295 нафари доимий иш билан таъминланди, 32 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди, 68 нафар фуқаро касб-ҳунарга ўқитилди, 30 нафари ишсизлик нафақаси тайинланди.

«Аёллар дафтари»га кири-

тилган 395 нафар аёлга турли ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан, 35 нафар хотин-қизга тикув машиналари, 20 нафарига инкубатор, 51 нафарига мини печ, 18 нафар аёлга уй-жой таъмири учун кўмак берилди.

«Ёшлар дафтари»га киритилган 84 нафарининг 57 нафарига контракт тўловлари тўланди, 15 нафарига тикув машинаси берилди, 6 нафар фуқаронинг даволашни харажатлари қопланди.

Шунингдек, Иштихон туманида 80,6 км. ички йўллар шағаллаштирилди. 58 222 дона газ баллонлар алмаштирилди, 360 та янги газ баллон етказиб берилди ва 176 та аҳоли хонадонларидаги газ жиҳозлари техник кўриқдан ўтказилди. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 11 та янги трансформатор ўрнатилди, 26 таси таъмирланди, 12 км. электр симлари алмаштирилди, 353 дона темир-бетон устун ўрнатилди.

Ичимлик сув масаласида 1 та сув минораси таъмирланди, 8,5 км. сув қувурини ётқизиш ишлари олиб борилмоқда. 1 014 та аҳоли хонадонларига 250 тонна кўмир тарқатилди. Алоқа соҳасида 24,5 км. янги оптик толали алоқа тармоғи тортилди, 4,5 км. қисми таъмирланди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, кредит, субсидия масалалари йўналишида 620 нафар фуқаро,

жумладан, 223 нафар ишсиз фуқаро доимий ишга жойлаштирилди, 189 нафари касб-ҳунарга ўқитишга йўналтирилди, 208 нафари ўзини ўзи банд қилиши бўйича давлат рўйхатидан ўтказилди. «Бўш иш ўринлари ярмарка»си орқали 72 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. 228 нафар фуқароларга 6,1 млрд. сўм имтиёзли кредит маблағи, 261 нафар талабаларга 2,2 млрд. сўм таълим кредити ажратилди. 28 нафар ишсиз фуқароларга 126 млн. сўмлик асбоб-ускуна (тикув машинаси, пишириқ печи) етказиб берилди. 9 825 нафар фуқаролар тиббий кўриқдан ўтказилди, шундан 222 нафари туман шифохонасига ётқизилди, 31 нафарига ордер берилди. 54 нафар эҳтиёжманд фуқарони операция харажати тўлаб берилди. 315 нафар фуқаро бепул дори-дармон билан таъминланди. 7 нафар фуқарога ногиронлик аравачаси, 2 нафарига эшитиш мосламаси ва қўлтиқ таёқ, 1 нафарига овозли термометр берилди.

316 нафар «Ёшлар дафтари»да бўлганларга 496,5 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатилди. 7 нафар ёшларнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси олиши учун бадал тўлови ўтказиб берилди. 103 нафари зарур асбоб-ускуналар топширилди, 97 нафари моддий ёрдам ажратилди. 59 нафарини

шартнома пуллари тўлаб берилди. 39 нафарини IT ва хорижий тилларни ўрганиши учун ўқув курси харажатлари қопланди. 1 нафар ёшни сафарбарлик чақирuvi резервида хизмат ўташ бадали тўланди. 3 нафарига спорт ва маданият йўналишидаги танлов ҳамда мусобақаларга бориш харажатлари, бир нафарига даволашни учун маблағ ажратилди. 6 нафар фуқароларга деҳқончилик билан шўғулланиши учун 0,15 сотихдан ер майдонларини аукцион орқали сотиб олишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Аҳолини эҳтиёжманд қатламни ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўналишида 4 нафар хотин-қизларни 39 млн. сўмлик мураккаб жарроҳлик операция харажатлари тўлаб берилди, 635 та оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди, 111 та оилани уй-жойини кадастр ҳужжатини расмийлаштиришга ёрдамлашилди. 201 нафар фуқарони яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилишига кўмаклашилди. 245 та оилаларга уй-жойларини таъмирлаш учун қурилиш материаллари етказиб берилди. 5 нафар фуқарога янги уй қуриш, 14 нафарини уй-жойларини таъмирлаш ишлари олиб

Мансур АБДУСАТТОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Янги бинода янгича ёндашувлар бўлади

Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги «Самарқанд» маҳалласининг янги биноси фойдаланишга топширилди.



Замонавий қиёфа касб этган иншоот «Обод маҳалла» дастури асосида қуриб битказилди. Янги бино ишга тушиши натижасида маҳалладаги ҳар бир ходим учун алоҳида хоналар ажратилиб, барча шароитлар яратилди. — Маҳалла биносидан менга алоҳида хона ажратилди, — дейди ёшлар етакчиси Аббос Исақулов. — Энди янгича ёндашувларни ҳаётга

татбиқ этиш, ёшлар билан ишлашнинг вертикал тизimini яратиш, муаммоларини бевосита маҳалланинг ўзида ҳал этишда имкониятимиз янада ошди.

Чиндан ҳам, маҳалладаги бу бунёдкорлик ёшларни, аёлларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам бермоқда.

Мухбиримиз.

«ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ»

умуммиллий ҳаракати маҳалладан бошланади



ПРЕЗИДЕНТ ОЛТИ ЙИЛДАН БУЁН, ҲАР ГАЛ МАҲАЛЛАЛАРГА БОРГАНИДА, АЛБАТТА, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ҲАҚИДА ГАПИРАДИ. ЁШУ ҚАРИНИ ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ, ЭРТАЛАБ ВА КЕЧҚУРУН ПИЁДА ЮРИШГА ЧОРЛАЙДИ. СЕКИН-АСТА МАНЗАРА ЎЗГАРИБ БОРДИ — ОДАМЛАР ОНГЛИ РАВИШДА ҲАРАКАТГА КЕЛА БОШЛАДИ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИГА АЙЛАНДИ

СЕМИЗЛИК БЕВАҚТ ЎЛИМ ХАВФИНИ УЧ МАРТА ОШИРАДИ

2023 йилнинг 13 февраль куни Президент ижтимоий соҳаларга масъул раҳбарлар билан учрашувда бугунги кунда аҳолининг 56 фоизда ортиқча вазн, 30 фоизда сурункали касалликлар борлиги, шу боис юртимизда «Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи» умуммиллий ҳаракати бошланишини маълум қилди. Айтиш керакки, мазкур Ҳаракатни йўлга қўйиш 2023 йилга мўлжалланган Давлат дастурида ўз аксини топган. Хўш, у қандай амалга оширилади? Бу жараёнда қайси жиҳатларга эътибор қаратилади?

Дарҳақиқат, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сўнгги 30 йилда дунёда семиз одамлар сони уч бараварга кўпайган. Энг ёмони, 2030 йилга бориб Ер юзи аҳолисининг қарийб 45 фоизи семириб кетиши мумкин. Мутахассисларнинг қайд этишича, семизлик тана вазни белгиланган меъёрга нисбатан 20 фоиз ва ундан кўпроқ ортиши билан намоеён бўлади. Бу, энг аввало, нотўғри овқатланиш, яъни юқори калорияли озиқ-овқатлар, шакarli ва спиртли ичимликларни ортиқча истеъмол қилиш, уйқу бузилиши ва кам ҳаракатлилик оқибатида юзага келади.

Хўш, бу ҳолатнинг олдини олиш учун мутахассислар қандай тавсиялар беради? Семизликдан ҳалос бўлиш учун кўпроқ жисмоний ҳаракат ва парҳез зарур. Ҳар иккиси уйғунликда олиб борилса, натижа янада яхшироқ бўлади. Бироқ йўқотилган вазн нотўғри овқатланиш туфайли қисқа муддатда икки баробар кўпроқ қайта йиғилишига олиб келади. Шу сабабли озиш аста-секинлик билан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Ҳозир семизликни дори-дармонлар билан даволаш оммалашмоқда. Аммо ўтказилган тадқиқотларга кўра, бу нохуш асоратларни келтириб чиқариши билан бирга, самарасиз амалиёт ҳисобланади. **Энг ёмони, семизлик бевақт ўлим хавфини уч марта оширади.**

ЎЗБЕКИСТОНДА ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ?

Таҳлилларга кўра, мамлакатимизда 10,7 млн. аҳоли соғлом турмуш тарзини олиб бормади. Аҳолининг 16,5 фоизи тамаки ва 4,7 фоизи алкоголь истеъмол қилиши, 16 фоизи мева ва сабзавотларни етарли миқдорда истеъмол қилмаслиги (кунига 400 граммдан кам), 36,6 фоизи таомга қўшимча туз қўйиши, 32,9 фоизда ортиқча вазн ва 23,5 фоизда семизлик мавжудлиги, 38 фоизда юқори артериал босим ва 8,4 фоизи қонида канд миқдорининг юқорилиги, 26 фоизининг эса жисмоний фаоллиги сустлиги аниқланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Мурожаатномасида юқоридаги масалага тўхталиб: «Бугунги кунда 7 миллион аҳолимизда турли хил сурункали касалликлар бор. Соғлом ҳаёт тарзи ҳақида олти йилдан бери гапиряпмиз. Лекин Соғлиқни сақлаш вазирлиги бунга ҳали жой-жойига қўя олмаяпти. Соғлом овқатланиш рационалига доир тавсиялар одамларга етказилмаяпти, турли ёшдаги кишилар учун жисмоний машқларни ўргатиш ишлари йўқ. Аслида, инсон саломатлиги, тиббиётнинг замани ҳам шулар-ку! Шу боис «Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи» янги умуммиллий ҳаракатини маҳалладан бошлаймиз. Бу ҳаракатда ёш учун — барча юртдошларимиз ўз ўрнини топиши керак», дея таъкидлаганди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Давлат дастури лойиҳасига кўра, «Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи» умуммиллий ҳаракатини йўлга

қўйиш таклиф этилмоқда. Хўш, умуммиллий ҳаракат нималарни ўз ичига олади?

Ҳаракат доирасида аҳолига смартфон ва мобиль иловалар ёрдамида ўз соғлиғи ва овқатланишини назорат қилишни ўргатиш, тўғри овқатланиш бўйича мобиль илова яратилади. Болаларга мўлжалланган носоғлом озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар, болалар озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда энергетиклар, дори воситалари, биологик фаол моддалар **рекламасига талаблар** кучайтирилади. Таълим муассасаларида болалар ва ёшлар учун тавсия этилмайдиган маҳсулотлар, шу жумладан, **таркибиде шакар, туз, трансёғлар миқдори юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, таъм ва ранг берувчи қўшимчалар рўйхатини тасдиқлаш ва истеъмолни камайтириш** чоралари кўрилади.

Қолаверса, маҳаллий маҳсулотлар турларидан келиб чиқиб, аҳолининг ҳар бир хавф гуруҳи ва касаллик турлари учун алоҳида-алоҳида **соғлом овқатланишга қаратилган тавсиялар** ишлаб чиқилади. Ёши, тана тузилиши, турмуш тарзи ва касалликларга мойиллигидан келиб чиқиб, болалар, катталар ва кексалар учун **тўғри овқатланиш, соғломлаштириш машқлари ва гигиена қоидалари** тўплами яратилади. Иш жойларида ходимларнинг **жисмоний тарбия билан шуғулланиши ва соғлом овқатланиши** учун зарур шарт-шароитлар ҳозирланади.

УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Қайд этиш керак, Президент олти йилдан буён, ҳар гал маҳаллаларга борганида, албатта, соғлом турмуш тарзи ҳақида гапирди. Ёш қарини тўғри овқатланиш, эрталаб ва кечқурун пиёда юришга чорлайди. Секин-аста манзара ўзгариб борди — одамлар онгли равишда ҳаракатга кела бошлади, жисмоний тарбия ва спорт кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Шунга монанд зарур шарт-шароитлар ҳам яратилди. Жумладан, сўнгги уч йилда 150 дан зиёд спорт мажмуаси, маҳаллаларда 10 мингта спорт майдончаси фойдаланишга топширилди.

«Соғлом турмуш — соғлом маҳалла» фояси асосида соғлом турмуш тарзи, семизлик ва ва бошқа касалликларга қарши курашни маҳалланинг ўзидан бошлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу билан бирга, халқимиз соғлиғини сақлаш учун барча тиббий хизматлар энг чекка туман ва маҳаллалар даражасигача туширилди. Мисол учун, 2022 йилда 105 та янги оилавий шифокорлик пункти, маҳаллаларда мингта ихчам тиббиёт пунктлари ташкил этилди, 3,5 млн. нафар аҳолига малакали тиббий хизматлар кўрсатилди. Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилиб, 30 та оилавий поликлиника, 110 та оилавий шифокор пункти ҳамда 520 тагача ихчам маҳалла тиббиёт пунктлари ташкил этилади.

Эслатиш керакки, бунгача ҳам Ўзбекистонда семизликка қарши курашиш чоралари белгиланган. Жумладан, 2020 йил 31 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармонида асосан, давлат органларида фаолият олиб бораётган раҳбар ва ходимларнинг семизлик даражаси, вазн индекси рейтинг асосида таҳлил қилиниб, натижаларни онлайн қўзатиб борилиши, семизлик ва бевақт ўлим кўрсаткичлари камайишига қараб, ҳокимликлар ишига баҳо бериш бўйича рейтинг тизими жорий этилиши зарур эди. Биринчи раҳбарлардан ўзларининг семизлик даражасини камайтириш орқали қўл остидаги ходимларига «Шахсий намуна» бўлиши талаб этилганди.

Бироқ шу вақтгача юқоридаги рейтинг кўрсаткичлари, ходимларига «Шахсий намуна» бўлганлар ҳақида аниқ маълумотлар берилмади, пиёда кўпроқ юрганларни моддий рағбатлантириш бўйича ташаббус негадир тўхтаб қолди. Президент қайд этганидек, соғлом ҳаёт тарзи ҳақида олти йилдан бери гапирилмоқда, бироқ ҳали-ҳануз аниқ бир натижага эришмадик.

Умид қиламизки, семизликни камайтириш бўйича 2023 йилги Давлат дастурига киритилаётган ташаббуслар, «Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи» умуммиллий ҳаракатининг ижроси юқоридаги каби ўлда-жўлда бўлмайди. Ҳар бир чора-тадбир белгиланган вақтида амалга оширилади. Зеро, бу сазй-ҳаракатлар инсон саломатлиги билан боғлиқ экан, бунда ҳеч кимнинг хато қилишига, вазифасига нописанд қарашига ҳаққи йўқ.

Санжар ИСМАТОВ.

ЖАРАЁН

Mahalla

КАМБАҒАЛЛИК

НЕГА ВА НИМА УЧУН ҚИСҚАРТИРИЛАДИ?

ОДАМЛАР ЯҚИН-ЯҚИНГАЧА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ МУТАСАДДИЛАРИНИ КАБИНЕТИДАН ТАШҚАРИДА УЧРАТМАС, ҲАТТО ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА АҲОЛИ ВИЛОЯТ РАҲБАРИ У ЁҚДА ТУРСИН, ЎЗИНИНГ ТУМАН ЁКИ ШАҲАР ҲОКИМИНИ ЯҚИНДАН КЎРМАГАН ВА ТАНИМАС ЭДИ. КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ РАҲБАРЛАРИ ВА ҲОКИМЛАРНИНГ ИШ УСЛУБИ МУТЛАҚО ЎЗГАРДИ

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси Спикери
ўринбосари.

2023 йил 25 январь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган видеоселектор йиғилишида камбағалликни қисқартириш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилгани таъкидланди. Хўш, камбағалликни қисқартириш, деган тушунчанинги ўзи нима?

Битта маҳалла миқёсида ол-сак, эҳтиёжманд оилалар камлиги айни вақтда даромад топаётган, иш, ҳунар билан банд, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатаётган фуқаролар сони кўпаяётганини англатади. Бу, ўз навбатида, оилаларда турмуш тарзи ўзгариши, болалар сифатли таълим олиши, яхши овқатланиши, ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайиши учун шароит кенгайтирилади, дегани. Айниқса, аёлларнинг кундалик ҳаётида қанча ўзгаришлар бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ўтган йилнинг ўзида камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга тушгани, бунда ҳоким ёрдамчилари 1 миллион нафар аҳолини касб-ҳунарга ўқитиб, тадбиркорлигини бошлашга кўмаклашгани, даромадли иш билан банд қилгани муҳим омил бўлгани қайд этилди.

Президентимиз камбағалликни қисқартиришнинг энг асосий омил — аҳолини даромадли иш билан таъминлаш эканини кўрсатиб берди. Маъмурий ислохотлар доирасида камбағалликни қисқартиришга масъул 5 идора яхлит тизимга айланган. Эндиликда меҳнат ресурслари ва ишсизлик ҳисобини юритиш ҳам, бандликка кўмаклашиш ва тадбиркорликни «маҳаллабай» тарзда ривожлантириш ҳам битта — Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигида бўлади. Бундан ташқари, янги вазирликка Хитойдан камбағалликни қисқартириш бўйича катта тажрибага эга экспертлар жалб қилиниши айтилди.

Энг муҳими, камбағалликни қисқартириш омил сифатида аҳолини даромадли иш билан таъминлаш йўли танланди. Дарҳақиқат, даромад манбаларининг камлиги ёки етишмаслиги одамларни, оилаларни камбағалликка етакловчи асосий муаммо ҳисобланади.

Чунки ейиш-ичишидан орттира олмаган оила болаларини илми, ҳунарли қилиши осон бўлмайди. Камбағаллик авлоддан-авлодга ўтувчи жуда оғир муаммодир. Шунинг учун камбағаллик даражасида яшаётган фуқароларни даромадли иш билан таъминлаш, уларга имконият ва ёрдам бериш камбағалликдан чиқариш учун энг мақбул йўл ҳисобланади.

Бандлик дастури

Экспертларга барча вилоятларда камбағалликни қисқартириш бўйича амалий ишларни ташкил қилиш, вилоят ҳокимларига 2023 йил учун бандлик дастурини туманлар кесимида қайтадан кўриб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди.

Бундан кўзланган мақсад шуки, бандлик дастурлари иқтисодиётнинг барча йўналишларидаги дастурлар билан узвий боғланган бўлиши зарур. Шунда у реал, ҳаётий бўлади. Агар бандлик дастурларида нореал, ҳавойи рақамлар акс этсаю, ҳаётда ўзгариш бўлмаса, бундан фойда йўқ. Шунинг учун барча ҳудудда бандлик дастурлари яна бир марта танқидий таҳлил орқали қайтадан кўриб чиқилиши, бу жараёнда депутатлар бевосита қатнашиши, кўрсаткичлар реал бўлишига алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Вазифа вазирликка топширилди, ўзлари шуғуллансин, деб томоша қилиб туриш ярамайди.

Сабаби, камбағалликни қисқартириш нафақат давлат ташкилотлари, мутасадди ва мутахассислар, балки тараққиётимиз тарафдори бўлган, эзгуликка эргашган ҳар кимнинг ташвиши бўлиши керак.

Молиявий кўмак

Президентимиз оилавий тадбиркорликни янада рағбатлантириш мақсадида молиявий кўмак

кўлами кенгайтирилишини таъкидлади. Юртимиздаги минглаб оилалар бу янгиликларни кутаётган эди.

2023 йилда оилавий тадбиркорлик дастурига 12 триллион сўм берилади (2022 йилда қарийб 10 триллион сўм). Яқинда имзоланган Президент қарорига кўра, оилавий тадбиркорликка қўшимча 300 миллион доллар ажратилади.

Бу айтишга осон рақамлар. Дунёда кечаётган мураккаб геоиқтисодий вазият, молиявий имкониятлар камайиб кетаётган бир шароитда шунча маблағни оилавий тадбиркорликка йўналтириш давлат раҳбари учун турмуш яхшиланиши, имкониятлар берилиши қанчалик муҳимлигини англатади.

Қатъий ва изчил ислохотлар натижасида бугун аҳолига бир неча йўналишда молиявий ёрдам, субсидия бериляпти. Ҳар бир фуқаро, муҳтож инсон эҳтиёжи, заруратидан келиб чиқиб, ўзига мос ва қулай ёрдамни танлаши мумкин.

Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари йилдан-йилга кенгаймоқда. Тадбиркорлик билан шуғулланиб, маҳсулот яратиш, хизмат кўрсатиб яшайдиган оила жамият учун ҳам, давлат учун ҳам бирдек фойдали. Сабаби, тадбиркор оилада даромад топишнинг иштирокчилари кўпроқ, меҳнатга, ҳаётга муносабати бошқачароқ, баландроқ бўлади.

Бу йилдан бошлаб имтиёзли кредитларнинг бир қисмини пластик картага олишга имконият яратилаётганида катта маъно бор. Чунки энди кредит олувчида танлаш имкони кўпроқ бўлади. Улар нақд пул билан бозорлардан арзонроққа хомашё ёки техника олиши мумкин.

Дафтардан паспортга

Давлатимиз раҳбари янги тизимга кўра, туманлар алоҳида тоифаларга ажратилгани, 4- ва 5-тоифаларга кирган оғир туманлар ҳокимлари ўз иш услублари ва ёндашувларини ўзгартириши

шартлигини қайд этди.

Тегишли туманларда камбағалликни қисқартириш ишлари янги усулда ташкил қилиниши белгилаб берилди. Бунда биринчи босқичда «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари» ягона тизимга бирлаштирилиб, ҳар бир оиланинги ягона рақамли паспорти ишлаб чиқилади.

Иккинчи босқичда ҳар бир оилани камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал дастурлар тузилади.

Учинчи босқичда оила учун касб-ҳунарга ўқитиш, тадбиркорлик лойиҳаси амалга оширилади.

Камбағалликни тан олиш бир масала, лекин уни қисқартиришга киришиш мураккаб ва муҳим жараён. Чунки мамлакатимизда шундай вазият юзага келган эдики, ким қаерда, нега камбағал, унга қандай ва қанча ёрдам керак, деган саволларга умуман жавоб йўқ эди. Энди камбағалликни қисқартириш учун тизим янада такомиллаштирилмоқда.

Одамлар яқин-яқингача давлат бошқаруви мутасаддиларини кабинетидан ташқарида учратмас, ҳатто қишлоқ жойларида аҳоли вилоят раҳбари у ёқда турсин, ўзининг туман ёки шаҳар ҳокимини яқиндан кўрмаган ва танимас эди. Кейинги йилларда давлат бошқаруви раҳбарлари ва ҳокимларнинг иш услуби мутлақо ўзгарди.

Ҳокимлар ижтимоий ҳимоя дафтарлари орқали ҳудудидаги аҳоли ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлди. Кимга, қачон, қандай ёрдам бериш кераклиги тизим орқали ҳал этилмоқда.

Бир вақтлар оилалар ҳақида тўлиқроқ маълумотлар етишмаган бўлса, энди оилаларнинг паспортини яратиш вазифаси қўйилди. Паспортлар ижтимоий муҳофаза ва кўмак ишларини янада тизимлаштириш имконини беради.

Асосий мақсад — жамиятда яратилаётган моддий ва маънавий бойликларни ижтимоий адолат тамойили асосида бошқариш, ҳаммага устувор ҳуқуқлар нуқтаи назаридан тенг имконият яратишдир.

2023

йилда
оилавий
тадбиркорлик
дастурига

12

триллион сўм
берилади
(2022 йилда
қарийб 10
триллион сўм).

Яқинда имзоланган
Президент қарорига
кўра, оилавий
тадбиркорликка
қўшимча

300
миллион
доллар
ажратилади.



ЙИЛ ДАВОМИДА
ДОИМИЙ ИШГА
ЖОЙЛАШТИРИЛГАНЛАР
СОНИ 126 НАФАР
БЎЛСА, МАВСУМИЙ ВА
ЖАМОАТ ИШЛАРИГА
121 НАФАР, ЎЗИНИ
ЎЗИ БАНД ҚИЛГАНЛАР
168 НАФАР, ИЖАРА
АСОСИДА ЕР АЖРАТИШ
ХИСОБИГА БАНДЛИГИ
ТАЪМИНЛАНГАНЛАР 62
НАФАРНИ ТАШКИЛ ЭТДИ



«Тадбиркорлик ортидан маҳалламиз машҳур бўлди»

Бугунги кунда тадбиркорликка молиявий кўмак бериш, ҳудудларда «Маҳаллабай» ишлаш тизимини жорий этиш орқали аҳолининг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлашни янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Избоскан туманидаги «Ботиробод» маҳалласида бу борада ижобий ўзгаришларни кузатиш мумкин. Тадбиркор Музаффар Акбаров ўз томорқасида 50-60 хил гул кўчатлари етиштирмоқда. Кичик бизнеснинг бу йўналишида оила аъзолари иш билан банд. Гулларни харид қилгани Фарғона, Наманган, Тошкент ва Андижон вилоятларидан харидорлар келишади. Яна бир маҳалладошимиз Аъзамжон Камолитдинов гул етиштириш сир-синаотларини набираларига ўргатиб, ҳозирда 2,5 гектар боғда турли навли арчалар, 100 хилдан ортиқ хорижий давлатлардан келтирилган гулларни парваришлайди. Ички бозордан ташқари, Тожикистон ва Қирғизистон давлатларидаги харидорларга етказиб беради. Бу хонадонда ўстирилган манзарали дарахтлар ва гуллар «Тошкент сити» ҳудудида ўтқазилиб, «Ботиробод» номини пойтахтга ёйди. Бу оилага салмоқли даромад олиб келмоқда.

Икромжон Исмоилов ота изидан бориб, мўъжаз иссиқхонада помидор, бодринг, булғор қалампири етиштирса, қолган қисмида уларнинг кўчатларини парваришлаб, бозорга чиқармоқда.

Маҳалламиз ифтихори Соҳибхон ая ўғиллари Шарифжон ва Шоқиржон, келинлари Раънохон, Маъсумхонлар билан 15 йилдан зиёд вақтдан буён гулчилик билан шуғулланиб, харидорлар эҳтиёжини таъминламоқда. Маҳалладаги ишсизларнинг бир неча нафари фермер хўжаликларида, қурилиш ва тадбиркорликка жалб қилинди.

Томорқачиликни ривожлантиришда хотин-қизлар, хусусан, Ё.Худойбердиева, Н.Мамадалиева, Г.Болтабоева, Г.Дониёрова, Х.Раҳмонова, Г.Отахонова тадбиркор аёллар сифатида анча фаол. Комилжон Қобулов, Азимжон Исоқов ҳамда Шарифжон Аҳмедов катта майдонли ер олиб, гулчиликни кенгайтираётган, ривожлантираётган, қўшимча иш ўринлари яратаятган бўлса, Т.Қодиров лимончиликни йўлга қўйди.

Маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси ташаббуси билан 2022 йил давомида аҳолини иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш йўналишида салмоқли натижаларга эришилди. Масалан, йил давомида доимий ишга жойлаштирилганлар сони 126 нафар бўлса, мавсумий ва жамоат ишларига 121 нафар, ўзини ўзи банд қилганлар 168 нафар, ижара асосида ер

ажратиш ҳисобига бандлиги таъминланганлар 62 нафарни ташкил этди. Янгидан ташкил этилган ёки фаолият кўрсатаётган кооперациялар, фаол тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш йўналишида намунали тадбиркор фаолияти ташкил этилиб, унга 3 та хонадон бириктирилди. Натижада 12 нафар фуқаро иш билан таъминланди. 7 нафар маҳалладошимизни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитишга йўналтирилган бўлса, яна шунчасига субсидия ажратилди. Унлаб аҳоли вакиллари яқка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият бошлади.

Маълумки, маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари»ни аниқлаш ва янги тадбиркорликни, шу жумладан, «драйвер» лойиҳаларни амалга оширишда ташаббускорларга кўмаклашиш ва шу орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш, мавжуд имкониятларни (буш турган бинолар, фойдаланилмаётган ер майдонлари ва бандликнинг аънавий соҳалари) ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш орқали жойларда тадбиркорлик, инвестициявий ва рақобат муҳитини яхшилаш давр талаби ҳисобланади. Маҳалламизда ичтисослашувидан келиб чиққан

ҳолда «драйвер» лойиҳаларни ҳамда инвестиция дастурларига киритилмаган микролойиҳаларни амалга оширилиши натижасида 7 та янги қорхона ишга тушди ва 18 та иш ўрни яратилди.

Маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, ҳудудимизни ободонлаштириш мақсадида «Ташаббусли бюджет», ҳомийлар ҳамда қорхона ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан 2 та ижтимоий соҳа объекти қурилди, 1 км. ичимлик сув тармоғи тортилди, 1,5 км. масофа шағалланди. Сектор раҳбари томонидан Саховат ва Шўрдала кўчалари шағаллаштирилди. Йил давомида 105 нафар эҳтиёжманд қатлам вакилларига моддий ёрдам кўрсатилди.

Хулоса шуки, амалга оширилаётган ислохотлар замирида юртимиз осойишталиги, дастурхонларимиз тўқинлиги, оилаларимиз тинчлигини таъминлашдек эзгу мақсадлар мужассам. Зеро, ташаббуслар ижроси маҳаллардаги ўзгаришларда, одамлар тақдирида акс этмоқда.

**Аҳмаджон БОЙМИРЗАЕВ,
Избоскан туманидаги
«Ботиробод» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.**

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Бир кунда 50 та мурожаат ўрганилди



Аҳоли муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида Сирдарё вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Акмалжон Маҳмудалиев Ховос туманидаги «Янгиер» ва «Мустақиллик» маҳаллалари аҳолиси учун сайёр қабул ўтказди.

Унда 50 нафарга яқин фуқаронинг ишга жойлашиш, уй-жой, ички йўллар таъмири, электр таъминоти, ер ажратиш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалаларидаги мурожаатлари ўрганилди.

— Сайёр қабулда маҳалламиз аҳолисидан 6 та мурожаат келиб тушди, — дейди «Мустақиллик» маҳалласи раиси Камолитдин Холбўтаев. — Уларнинг деярли барчаси мутахассислар иштирокида чуқур ўрганилди. Мурожаатлар мавзуси, асосан, маҳалладаги эски симёғочларни бетон устунларга алмаштириш, кўчаларни асфальтлаш, электр таъминотидаги ўзилишларга ечим топиш бўйича бўлди. Ҳо-

зирда эски симёғочларни бетон устунларга алмаштириш жараёни бошланди. Биринчи босқичда 62 та бетон устун ҳамда 2 та янги трансформатор ўрнатишга қилишилди. Сайёра Ҳолиқованинг деҳқон хўжалиги майдонидан тутзор учун ер ажратиш бўйича илтимосига қўшимча ўрганиш учун муддат белгиланди. 4 та мурожаат юзасидан эса қонун доирасида тушунтириш берилди.

Мурожаатларнинг 23 таси шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилиб, 6 таси бўйича қонун доирасида батафсил тушунтириш берилди. 21 та мурожаат қўшимча ўрганиш учун муддатлар белгиланди.

Мухбиримиз.

**ҲОЗИРДА МАҲАЛЛАДА 41 ТА
ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ ТАШКИЛ
ҚИЛИНГАН БЎЛИБ, УЛАРДА
60 ТА ИШ ҲАМ ЯРАТИЛГАН.
МАҲАЛЛАНИНГ ЯНА 50 НАФАР
ФУҚАРОСИ ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ
БИРИ БЎЛМИШ АСАЛАРИЧИЛИК
БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИ**



Ишсиз фуқаролар бандлиги таъминланяпти

**Эҳтиёжманд, камхарж оилаларга ёрдам кўрсатиш,
қўллаб-қувватлаш — халқимизга хос анъана, азалий
удум. Аммо «қўлдан берганга қўш тўймас» деганларидек,
шундай инсонларга доимий даромад манбаи яратиш
муаммога тўғри ечим бўлади.**

Фарғона водийсида аксарият аҳоли азалдан ота-боболаридан мерос касб-хунарларни меҳр билан давом эттираётир. Жумладан, Қўштепа туманининг «Сой бўйи» маҳалласида хунарамандчилик анъаналари авлоддан-авлодга ўтиб келаётир. Отикахон Ҳақимова ушбу маҳаллада хотин-қизлар фаоли вазифасида ишлайди. У маҳалла юмушларидан ортиб, «Хунараманд Рўхсонабегим» дўппичилик кооперацияни ташкил этган.

— Дўппидўзликни болалигимда Обидахон буюмдан ўрганганман, — дейди моҳир дўппидўз. — Ёнларида ип, игна олиб бериш каби юмушларни бажариб, дўппи тикишга меҳрим тушди. Ҳозирги кунда дўппичилик кооперациясида 52 нафар хотин-қиз бирга ишляпмиз. Уларнинг 17 нафари «Сой бўйи» маҳалласидаги «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлардир. Шунингдек, кооперацияда «Соҳибкор», «Қийқи», «Карнайчи» маҳаллаларида истиқомат қилувчи ишсиз хотин-қизлар ишли бўлди. Эътиборлиси,

кооперациямизда 4 нафар ногирон аёл ишлайди. Ҳар бир ишчимиз ойига ўртача 800 мингдан 1 миллион сўмгача даромад топмоқда. Худудимизда, асосан, «Оқлар», «Атиргул», «Наврўз» нусха дўппи тикиш анъанага айланган. Маҳсулотларимиз жуда харидорбоп. Наманган, Тошкент, Андижон, Самарқанд вилоятларига ва ҳатто Тожикистонга дўппи етказиб беряпмиз.

Маҳалла фаолияти билан танишиш жараёнида аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратишда ички имкониятлардан самарали фойдаланилаётганига гувоҳ бўлдик. Бунда, айниқса, маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

— Президентимизнинг 2021 йил 5 августдаги «Маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал

бўлмоқда, — дейди маҳалла раиси Тўлқин Ҳақимов. — 2022 йил давомида хатлов натижасида аниқланган ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 65 нафар фуқарога 10 сотихдан ер ажратилди. Икки нафар фуқарога субсидия олишда кўмаклашдик. Яна бир эътирофли жиҳат — худудимизда мактабгача таълим муассасаси бўлмагани аҳолини кўп йиллардан буён қийнаб келаётган муаммо эди. Тадбиркор Ойбек Раҳматов ташаббуси билан Мазкур лойиҳа учун 1 миллиард 760 миллион сўм банк кредити ва тадбиркор маблағи сарфланди. Эндиликда бу ерда яшовчиларнинг кўп йиллик орзуси ушалди. 150 ўринга қўйиш учун барча шароит муҳайё этилган. Зарур мебеллар билан жиҳозланган кенг ва ёруғ хоналар, замонавий мусиқа зали, шинам ётоқхона, ошхона ва ёзги айвончалар барчанинг ҳавасини келтиради. «Азиз

болажон диёри» номли бу маскан болажонларни ўз бағрига чорлаб, янада файзли бўлди. Ушбу нодавлат муассаса ишга тушиши сабаб 15 нафар маҳалла аҳли ишли бўлди.

Умумий ҳисобда ҳозирда маҳаллада 41 та тадбиркорлик субъекти ташкил қилинган бўлиб, уларда 60 та иш ўрни яратилган. Шулардан яна бири — якка тартибдаги тадбиркор Амрилло Ориповдир. У «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури бўйича 33 миллион кредит олиб, табиий биогумус ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Бу орқали 50 нафардан ортиқ маҳалладошлари учун янги иш ўринлари яратди. Маҳалланинг яна 50 нафар фуқароси етти хазинанинг бири бўлмиш асаларичилик билан шуғулланади. Маъмуржон Холматов етакчилигида ҳар бирлари 50 тадан 300 тагача яшиқда асалари парваришлайди. Маҳсулотни сотиш учун асаларичилик дўкони ташкил қилинган.

— Шу ўринда фуқаролар йиғини инфратузилмасини яхшилаш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида айтиб ўтиш жоиз, — дейди Т. Ҳақимов. — Бу жараёнда аҳолининг фаоллик кўрсатмоқда. Масалан,

«Ташаббусли бюджет» лойиҳаси доирасида Арчазор ҳамда Саховат кўчаларида асфальтлаштириш ишлари бажарилди. Жами 3,7 км. масофада асфальтлаш ишлари олиб борилган бўлса, 3 км. қисми айнан «Ташаббусли бюджет» лойиҳасига тўғри келади. 700 метр масофа давлат дастурига кўра бажарилди. Шунингдек, 3 км. масофа шағалланди. Электр таъминотидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида 1 дона янги трансформатор билан 60 дона бетон устун ўрнатилди. Маҳалламизнинг 75 фоизи тўлиқ тоза ичимлик сув билан таъминланган. Қолган қисмини таъминлаш учун 2023 йил режасига кўра, 10 км. янги тармоқ тортиш ишлари бошланди.

Дарҳақиқат, маҳалла фаолларининг 2023 йилги режаси катта. Унга кўра, жорий йилда 6 км. масофада асфальтлаш ишларини бажариш, 300 дона бетон устун ўрнатиш, 4 дона эски трансформаторни янгисига алмаштириш белгиланган. Шунингдек, «Ташаббусли бюджет» лойиҳасига яна 2 та лойиҳа киритилган бўлиб, бу билан маҳалланинг яна 6,2 км. қисми асфальтланади.

**Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ.**

Ҳоким ёрдамчиси 53 та иш ўрни яратди



Ёзёвон туманида бугунги кунда 33 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, ҳар бирида ҳоким ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилган. Кўп кеча уларнинг фаолияти таҳлил қилиниб, «Ҳонобод» маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Уткирбек Мирзаевнинг тажрибаси бошқаларга ўрнак сифатида кўрсатилди.

— Барча маҳаллаларда иш бошлаган мутахассислар ўтган вақт ичида камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд аҳолига кўмак кўрсатишда ўзига хос ютуқларга эришди, — дейди вилоят ҳокимлигининг ҳоким ёрдамчилари фаолиятини мувофиқлаштириш маркази раҳбари Абдоржон Раҳмонов. — Мисол учун, «Ҳонобод» маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Уткирбек Мирзаев тайинланганидан сўнг, маҳаллани ўрганиб, 53 та янги иш ўрни ташкил этганини алоҳида эътироф этса арзийди. Илгари Езёв-

он оғир ҳудуд саналарди. Маҳаллаларни айланиб, кўриш асносида ҳозир ўзгаришлар катта эканига гувоҳ бўлдик. Ҳар бир худуднинг «ўсиш нуқтаси» бор.

Таъкидланганидек, иш ўрни яратиш, камбағалликни қисқартиришга ҳисса қўшганлар меҳнатига яраша рағбатлантирилади. Март ойдан бошлаб, маошлар ўртасидаги тафовут суммалари компенсация сифатида тўланиши, компьютер жамланмаси топширилиши, ҳадемай, планшетлар берилиши маълум қилинди.

Мухбиримиз.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Имтиёзли кредит оддий одамларга кўмак бўляпти



АҚТОВ ОВУЛИ ЭНГ ЧЕККА ХУДУДЛАРДАН БЎЛИШИГА ҚАРАМАЙ, ЙИГИНДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ОДДИЙ ОДАМЛАР КИЧИК БЎЛСА-ДА, ЎЗ ТАДБИРКОРЛИГИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙГАН. «ЧЕККА ХУДУДДА ЯШАЙМИЗ, ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚАНДАЙДИР ЁРДАМ КЎРСАТИЛИШИ КЕРАК» ДЕГАН ХАЁЛДАН МУТЛАҚО ЙИРОҚ

Бугун ҳудудлардаги ишсиз, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган аҳоли қатламларига маҳалла томонидан кўмак берилиб, бандлиги таъминланмоқда. Жумладан, Томди туманидаги Ақтов овул фуқаролар йиғинида бу борада бир қанча амалий ишлар йўлга қўйилган бўлиб, йиғинда истиқомат қилувчи 812 нафар аҳолининг 60 фоизи иш билан банд қилинган, чорвачилик, қуёнчилик фаолиятини йўлга қўйган.

Айтиш керакки, йиғинда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича овул раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспектори биргаликда уйма-уй юриб, аҳолининг муаммо ва камчиликларини ўрганиб, ишсизлик бартараф этилмоқда.

— Овулда «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури асосида ишсиз аъзолари бор, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 21 та оилага имтиёзли кредитлар ажратилди, — дейди ҳоким ёрдамчиси **Оразбек Маденов**. — Кредитлар асосида ушбу фуқаролар бандлиги таъминланиб, тадбиркорлик йўналишида иш бошлаши, ўз оиласи даромадини оширишига кўмаклашилди. Ушбу имтиёзли кредитларнинг 18 таси чорвачилик, 1 таси қуёнчилик ва 1 таси иссиқхона учун йўналтирилди. Қолаверса, 30 нафар фуқаро давлат ташкилотларига доимий ва мавсумий ишларга жойлаштирилди.

Овул раиси кўмаги билан йиғинда истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган Ш.Сиайловнинг оёғи ҳамда И.Бекжанаеванинг бурун қисмида шамоллаш

бўлгани боис «Саховат ва кўмак» жамғармаси томонидан уларнинг мураккаб операция харажатлари тўлаб берилди. Шу билан бирга, «Аёллар дафтари»га киритилган 6 нафар хотин-қизга пишириқ печлари, рўзгор буюмлари ҳамда 2 нафарига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун нон пишириш печи олиб берилди. Бу билан уларнинг бандлиги таъминланиб, оиласига кўшимча даромад олиб киришига кўмаклашилди.

Шунингдек, овулнинг ички имкониятлари ўрганилиб, фуқаролар йиғини чўл зонада жойлашгани боис асосий эътибор боғдорчиликка қаратилди. Айни шу харажатлар натижасида ҳудуддаги болалар спорт майдончаси ён-атрофига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Энди бу дарахтзорлар сархил мева бериш баробарида болаларнинг соя-салқин майдонда ўйнашига, ҳудуд экотизими ривожланишига хизмат қилаётир.

— Ўқиш истагини билдирган 42 нафар фуқаро бандлик маркази кўмаги билан касб-ҳунарга ўқитилиб, бандлиги таъминланган, — дейди маҳалла раиси

Ахмет Бақтибаев. — «Ёшлар дафтари»даги 2 нафар ёшга ўз уйида тикувчилик билан шуғулланиши учун субсидия асосида тикув машиналари олиб берилди. Чорвачилик қилиш истагида бўлган ёшларга 225 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилиши натижасида 3 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Қуёнчилик, паррандачилик, иссиқхона йўналишидаги тадбиркорлик субъектлари иш бошлади. 10 нафар фуқарога «Саховат ва кўмак» жамғармаси томонидан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Йиғиндаги эҳтиёжманд оилаларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш одат тусини олган. Масалан, ногиронлиги, эшитиш билан боғлиқ муаммоси бўлган фуқароларга «Саховат ва кўмак» жамғармасидан ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари олиб берилди. Умуман, ўтган йили овулдаги эҳтиёжманд оилалар ҳолидан тез-тез хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатилди.

— Ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан чорвачиликни йўлга қўйиш учун имтиёзли 30 миллион сўм

кредит эвазига 20 дона қўй ва 20 дона кўзи олиб кўпайтирмоқдаман, — дейди **Панабек Науризбаев**. — Ҳудудимиз, асосан, чўл зона бўлгани боис дала-даштликлар кўп. Битта қўрадан чиқмаган қўйлардан кўра, далада юрган қўйлар тезроқ кўпаяди. Келажақда тадбиркорлигимни кенгайтириб, ўзимнинг чорвачилик фермамни очиб, овулимиздаги эҳтиёжманд, ишсиз фуқароларни иш билан таъминлашни йўлга қўймоқчиман.

Умуман олганда, Ақтов овули энг чекка ҳудудлардан бўлишига қарамай, йиғинда истиқомат қилувчи оддий одамлар кичик бўлса-да, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиб, нафақат ўзининг, балки ҳимояга муҳтож оилаларнинг ҳам моддий томонлама барқарор даромадга эга бўлишига кўмаклашмоқда. Энг муҳими, одамлар «Чекка ҳудудда яшаймиз, давлат томонидан қандайдир ёрдам кўрсатилиши керак» деган хаёлдан мутлақо йироқ. Фаровон ҳаёт кечириш учун келажаққа интилиб, ўзлари учун тўқис шароит яратмоқда.

Мансурбек ЖАББОРОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Ташаббус ва таклифлар қўллаб-қувватланяпти

Томди туманидаги «Томдубулоқ» ва «Шарқ» маҳалласида ёшларнинг таклиф ва ғояларини қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ўрганиш мақсадида сайёр қабул ўтказилди.



Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси, туман ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда ишсиз йигит-қизлар бандлигини таъминлаш, бунда уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, субсидия бериш, касб-ҳунар марказларида ўқитиш масалалари ўрганилди. Қабул доирасида «Томдубулоқ» маҳалласида истиқомат қилувчи «Ёшлар дафтари»га киритилган 2 нафар ёшга контракт тўловлари учун маблағ ажратилди.

— Сайёр қабул орқали маҳалламиздаги кўплаб ёшларнинг муаммола-

ри ўрганилди, — дейди «Шарқ» маҳалласи раиси **Шайхислам Туякбаев**. — Уларнинг ечими бўйича ёшлар ўз таклифларини билдирди, масъуллар ҳар бири бўйича ўрганиш олиб борилишини қайд этишди. Шу билан бирга, шу куннинг ўзида қатор масалалар бўйича амалий ёрдам кўрсатилиб, моддий кўмаклар берилди.

Қабулда ёшлар томонидан ўртага ташланган ҳар бир мурожаат назоратга олиниши, уларнинг ечими бўйича қисқа фурсатларда амалий ишлар бажарилиши таъкидланди.



БЕДАНАЧИЛИК СЕРДАРОМАД СОҶАГА АЙЛАНГАН

МАҲАЛЛАДА ЕТИШТИРИЛГАН ТУХУМНИ СОТИШ ТИЗИМЛИ АСОСДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. ҲАР КУНИ МАХСУС АВТОМАШИНА ОРҚАЛИ АҲОЛИ ХОНАДОНЛАРИДАН БЕДАНА ТУХУМИ ХАРИД ҚИЛИНАДИ ВА РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛМОҚДА

«Оҳалик» маҳалласи — Самарқанд туманининг Зарафшон тоғ тизма этакларида жойлашган. Маҳаллада 3 700 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Эътиборли жиҳати шундаки, йиғиндаги 1 100 та оиланинг қарийб барчаси оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиб келмоқда. Асосан паррандачиликка ихтисослашган мазкур маҳаллада ўтган йилдан бошлаб бедана тухуми етиштириш йўлга қўйилди.

Айни кунларда бу ердаги 140 дан ортиқ хонадонда қарийб 100 минг бош бедана парваришланмоқда. Бир кунда 80-90 минг дон парҳезбон бедана тухуми етиштирилади. Бу иш билан шуғулланаётган хонадонлар ўзини ўзи банд қилиш баробарида, шифобахш бедана тухумини чет давлатларга экспортга чиқаришни йўлга қўйди. Бугунги кунда кўшни Тожикистон, Афғонистон давлатларида бедана тухумига талаб юқори. — Бедана етиштириш жуда маҳсулдор бўлиб, модасидан бир йилда 200-230 донагача

тухум олиш мумкин, — дейди «Оҳалик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси **Инъомжон Сиддиқов**. — Тухумдан чиққан полонларнинг 70-80 фоизи яшаб кетади. Аммо бедана парваришланнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Бедана шовқин ва ёруғлик кам тушишига эътибор қаратиш лозим. Бедана тухуми ва гўшти шифобахшлиги сабабли талаб юқори. Маҳалламизда ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда уй-

ма-уй ўрганиш давомида бедана етиштириш маҳалланинг асосий «драйвер»и этиб белгиланди.

Айтиш керакки, маҳаллада етиштирилган тухумни сотиш тизимли асосда ташкил этилган. Ҳар куни махсус автомашина орқали аҳоли хонадонларидан бедана тухуми харид қилинади ва республика ҳудудларига етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, «Оҳалик» маҳалласида етиштирилаётган тухум республиканинг барча вилоятлари билан бир қаторда Тожикистон ва Афғонистонга экспорт қилинмоқда. Энг асосийси, маҳаллада истиқомат қилаётган аҳоли доимий даромад манбаига эга.

— Мен «Мароқанд парранда» МЧЖда ишлайман, ишдан ажралмаган ҳолда оилам, фарзандларим билан бедана тухуми етиштириш билан шуғулланиб келамиз, — дейди **оилавий тадбиркор Суръат Мажидов**. — Бедана парвариши жуда нозик ва жиддий эътиборни талаб қилади. Катта беданаларни бир кеча-кундузда 2-3 марта

озиқлантираемиз. Омихта ет таркибида дон-ун 60 фоизни, оксилли аралашма 35 фоиз ҳамда минерал аралашма 5 фоизни ташкил этиши лозим. Битта бедана 6 ой давомида тахминан 130 дон тухум беради. Саккиз ойдан сўнг ўсиш ва тухум беришдан тўхтагани сабабли гўштга сўйилади.

Бедана етиштириш билан шуғулланиш истагида бўлган тадбиркорлик субъектларига имтиёзли равишда кредит маблағлари ажратилиши, лойиҳаларнинг ўз вақтида сифатли ижро этилиши, уларнинг ветеринария назоратидан ўтказиш ҳамда наслини яхшилаш борасидаги тадбирлар назоратга олинган. Жумладан, ўтган йили 6 нафар фуқарога паррандачилик йўналишидаги фаолиятини кенгайтириш учун 198 миллион сўм, беданачилик бўйича 5 нафар фуқарога 163 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

— Беданачилик сердаромад соҳа эканини тажрибада синадим, — дейди **Жамшид**

Исҳоқов. — У унча-бунчага касалланмайди. 35-40 кунда тухумга киради. Парваришlash учун катта жой талаб қилмайди. Совуққа ҳам чидамли. Озуқасини вақтида бериб, меҳр билан парвариш қилсангиз, бас. Вақтингизни кўп олмайди. Бошқа юмушларга ҳам бемалол улгурасиз. Гўшти ва тухуми инсон саломатлиги учун жуда фойдали. Мен беданачилик ортидан барча ниятларимга эришдим.

Тадбиркорлик инсондан сабр талаб этади, дейди оҳаликлар. Бу йўлга кириб келган киши бирдан бойиб кетмайди. Олдида чиққан тўсиқларни енгиб ўтсагина ниятига етиши мумкин. Зеро, бу — ҳаёт ҳақиқати. Вилоятнинг тоғли ҳудудларидан бирида яшаб, ҳам оиласи, ҳам бозорларимиз тўкинлигига муносиб ҳисса қўшаётган меҳнаткаш инсонлар ана шу ҳақиқатнинг том маънодаги ижрочилари, десак муболаға бўлмайди.

Санжар ИСМАТОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Турмуш шароити тубдан яхшиланади

Сурхондарё вилояти ҳокими **Улуғбек Қосимов** жорий йилнинг 3 январь куни Қизириқ туманидаги «Истиқлол» маҳалласида бўлиб, мутасаддиларга ободонлаштириш ишларини олиб бориш, инфратузилма объектларини таъмирлаш, йўллари яхшилаш ва бошқа масалаларни ҳал этиб, аҳолининг яхши яшаши учун шароит яратиш бўйича тегишли вазифаларни белгилаб берган эди.



Куни кеча ушбу топшириқлар ижроси жойида ўрганилди. Айтиш керакки, ўтган қисқа муддат ичида маҳалла маъмурий биноси янгидан қурилиб, замонавий кўринишга келтирилди. Ичимлик сув тармоқлари тортилиб, хонадонлар сув билан таъминланди. Кўчалар, ариқлар ва мавжуд зовурларда тозалаш ишлари олиб борилиб, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Аҳоли хонадонларида томорқадан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида Ангор туманининг «Баҳор» маҳалласидан намунали томорқачи, миришкор деҳқон, тадбиркор жалб қилиниб, унинг тажрибаси

маҳаллада жорий қилинди. Намунали тартибда иккита хонадонда иссиқхона қурилиб, бирида помидор етиштириш, бирида кўчатчилик йўлга қўйилди. Шунингдек, аҳолига бу борадаги ишларни тушунтириш, томорқадан меҳнат қилиб, даромад олиш сирлари ўргатилмоқда.

Далалар четларини тозалаш, тут кўчатлари экиш, бўш майдонларни шудгорлаш ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Ўрганишлар давомида қилинган ишлар эътироф этилиб, келгусидаги кўшимча вазифалар белгилаб берилди.

Умуман олганда, истиқлолликлар турмуш шароитларини тубдан яхшилаш бўйича кенг қўлмали ишлар давом эттирилади.

ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ чиндан арзон, қулай ва фойдалими?

**ЭНГ АРЗОН ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ 150 ВТ. ҚУВВАТГА ЭГА, БУ ЭСА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ,
УЙНИНГ 5-6 ТА ХОНАСИНИ ЁРИТИШ ВА БИТТА ТЕЛЕВИЗОРНИ ИШЛАТИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ**

Бу йил қиш фасли сўнги йилларга нисбатан анча совуқ келди. Буни ҳатто айрим мутахассислар сўнги 50 йилда қузатилган энг қаҳратон совуқдан бири сифатида баҳолади. Бинобарин, устма-уст ёққан ёмғир-қор ва айниқса, ҳаво ҳароратининг кескин пасайиб кетиши кўпчилигимизни бесарамжум қилгани бор гап. Барча ҳудудларда электр энергиясидан узилишлар қузатилди, газ ва иссиқлик таъминоти пасайиб кетди, умуман, энергетика тизимида катта кучланиш юзга келди.

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг январь-февраль ойлари давомида водий вилоятлари, пойтахтнинг Сергели тумани ва ўтган ҳафта Жиззах вилоятига таширғи чоғида юқоридаги ҳолатларни алоҳида қайд этиб, қайта тикланувчи энергия манбаларига эътиборни кучайтириш зарурлигини таъкидлади. Бунда жойларда қуёш фотоэлектр станциялари, шомол электр станцияларини қуришни тезлаштириш, ижтимоий объектлар, тураржойларни муқобил энергия манбалари билан таъминлаш вазифалари белгиланди. Хўш, бугун юртимизда соҳанинг истиқболи қандай? Бу борада фуқароларга қандай имтиёзлар берилган?

Қуёш панеллари қандай ишлайди?

Қуёш батареялари — қуёш энергиясини тўғридан-тўғри электр токига айлантирадиган фото-волтаик конвертор, яъни яримўтказгичли қурилма бўлиб, улар махсус рамакаларга жойланиб, қуёш панелларини ҳосил қилади. Аниқроғи, қуёшдан олинган ёруғликни электр токига айлантириб, фойдаланишга тайёр ҳолга келтирадиган рамакалардир. Қуёш панеллари қуёш электр станцияси деб ҳам аталади. Уларнинг икки хил тури мавжуд:

Қуёш панеллари 300 кундан ортиқ қуёшли об-ҳавосига эга юртимизда ҳам ишлаб чиқарилади. Уни мамлакатда харид қилиш имкони мавжуд. Энергетика вазирлигининг маълумотига кўра, энг арзон қуёш панеллари 150 Вт. қувватга эга, бу эса улардан фойдаланиб, уйнинг 5-6 та хонасини ёритиш ва битта телевизорни ишлатиш имконини беради. Энергетика вазирлигининг «**energymarket.uz**» платформасидаги нархларга кўра, бундай панеллар нархи уларнинг қувватига қараб, ўртача **11 миллион сўмдан 109 миллион сўмгачи** ташкил этади.

Бундан кўринадики, электр энергияси учун ойига ўртача 50 минг сўм тўлов қилаётган оилалар учун ушбу суммадаги қурилмаларни харид қилиш оғирлик қилиши тайин. Шу боис аҳолининг харид қобилиятини ошириш мақсадида қуёш электр станцияларини сотиб олишда маълум бир миқдорда ком-

Уй ёки корхоналарга ишлатиладиган электрга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, маълум қувватли қуёш батареялари тавсия этилади. Бу уй квадрат метрига боғлиқ эмас. Агар харидор ойлик, йиллик электр истеъмолини ёзиб, мутахассисга кўрсатса, унга айнан қанча қувватли қуёш панели кераклигини аниқлаш осон бўлади. Қанча соат ишлашни миқдор ўзи танлайди. Қуёш панеллари бир суткада 1 соатдан 24 соатгача истеъмолчини электр энер-

Сотиб олиш қимматга тушмайдами?

пенсация тўлаш тизими йўлга қўйилган. Жумладан:

☑ **ускуналарни 3 йил давомида фоизсиз, бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилган.** Ушбу норма Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқарилган фотоэлектр панеллар, шомол генераторлари ва қуёш сув иситгичларига тааллуқлидир.

☑ **солиқ имтиёзлари берилган бўлиб,** бунда қурилмаларни ўрнатган ва тўлиқ ушбу қурилмадан хонадонни электр энергияси билан таъминлаган (ўрнатилган ер майдони учун) жисмоний шахслар 3 йил давомида ер ва мулк солиғи тўламайди. Шунингдек, «Темир дафтар»га киритилган оилаларга ускуналар бюджет маблағлари ҳисобидан ўрнатиб берилади.

☑ **жисмоний шахсларга шомол ёки қуёш электр станциясини ўрнатганлик учун,** агар уларнинг қуввати 0,5 кВт.дан 1 кВт.гача бўлса — БҲМнинг

7 баробари (ҳозирда 2,1 миллион сўм), 1 кВт.дан 1,5 кВт.гача бўлса — БҲМнинг 10 баробари (3 миллион сўм), 1 кВт.дан 2 кВт.гача бўлса — БҲМнинг 15 баробари (4,5 миллион сўм), 2кВт. ва ундан юқори бўлса — БҲМнинг 20 баробари (6 миллион сўм) миқдоридан компенсация тўланади.

☑ **сув иситиш ҳажми 100 литр ва 200 литр бўлган** қуёш сув иситиш қурилмалари учун тегишлича БҲМнинг 5 ва 7 баробари (1,5 миллион сўмдан 2,1 миллион сўмгача) миқдоридан компенсация берилади.

Яна бир муҳим жиҳат — давлат панели ўрнатган тадбиркорлардан электр кафолатли сотиб олади. Кейинги йилдан эса бошқа истеъмолчиларга ҳам сотиши мумкин бўлади. Аҳоли ўз хонадонидан панель ўрнатса, эҳтиёждан ортиқ тармоққа сотган электр энергиясининг ҳар бир киловатти 1 минг сўмдан сотиб олинади.

Ускуналар қанча мудатда ўзини оқлайди?

гияси билан таъминлай олади.

Ускуналар тез фурсатларда ўзини ўзи оқлайди. Аккумуляторли электростанциялар Ўзбекистондаги бугунги кун электр нархи билан ҳисоблаганда, беш йилда ўзини оқлайди, яъни сарфланган маблағ беш йил ичида чиқади. Олтинчи йилдан бошлаб, фуқаро бепул электр энергиясидан фойдаланаётган бўлади. Қуёш панеллари ўртача 25 йил муддат ишлайдиган бўлса, 20 йил бепул ёруғ-

лик энергияси билан таъминлайди.

Қуёш панеллари учун кредитлар ҳам бор. Ўзбекистонда бир нечта банклар томонидан қуёш панеллари ва бошқа қайта тикланувчи энергия манбалари учун паст фоизли «яшил» истеъмол кредитлари таклиф қилинади. Бунда ускуналарни сотиб олиш учун кредитлар 5 йилгача, Марказий банк асосий ставкасида (ҳозирда 15 фоиз), 60 миллион сўмдан 150 миллион сўмгача тақдим этилади.

Тармоқ электростанцияси.

Унда фақат қуёш панеллари ва инвенторлар бўлади. Бу станция электр тармоғи билан параллел тарзда ишлайди. Бу усулдан, асосан, электр энергиясини иқтисод қилиш, тежаш мақсадида фойдаланилади.

Унинг ишлаш тамойили қуйидагича: қуёш панелларидан олинган энергияни инвертор 220 ёки 380 вольтга айлантириб, куннинг ёруғ вақтида истеъмолчига тўғридан-тўғри етказиб беради. Ортиб қолган энергияни давлат электр тармоғига узатиб, куннинг қоронғи вақтида яна уша тармоқдан фойдаланиш имкони бўлади.

Шунда фойдаланувчи давлат тармоғидан деярли фойдаланмаган ҳисобланади.

Бу панелнинг икки томонли ўз ҳисоблагичи бўлиб, давлат ҳисобидан ва қуёш энергиясидан умумий қанча фойдаланилганини кўрсатиб туради.

Аккумулятор билан ишлайдиган (автоном қуёш электрон станцияси).

Бундай қуёш панелларини электр энергия етиб бормаган ёки тез-тез узилишлар қузатиладиган жойларга ўрнатиш мақсадга мувофиқ. Чунки у захирада қуёшдан йиғган энергиясини сақлаб туради ва сутканинг исталган вақтида ундан фойдаланиш имкони бўлади.

Унинг ишлаш тизими оддий: сиз фойдаланаётган электр энергияси тўсатдан ўчиб қолса, аккумулятордаги захира энергия автомат тарзда тармоққа уланади (етиб келади) ва маълум соатларга этади.

Умуман олганда, қуёш панелларини ўрнатганда, фуқаролар учун ҳеч қандай қўшимча солиқ ёки тўловлар жорий этилмайди, балки, биринчидан, ушбу энергосамарадор қурилмаларни ўрнатиш ҳисобига хонадонингизни текин ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш имконига эга бўласиз. Иккинчидан, қуёш панелларингиз орқали ишлаб чиқарилган электр энергиясидан фойдаланган ҳолда, ўз эҳтиёжингиздан ортиқ қисмини давлатга кафолатли нарҳда сотишингиз мумкин. Учунчидан, бундай ускуналар хариди учун имтиёзлар белгиланганки, уларни 3 йил давомида фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлашингиз ёки 6 миллион сўмгача компенсация олишингиз мумкин.

Санжар ИСМАТОВ.



«АДОЛАТ»ДА АҲОЛИНИНГ ОРЗУСИ УШАЛЯПТИ



ҲОМИЙЛАР КЎМАГИДА 1 200 МЕТР УЗУНЛИҚДА ТОЗА ИЧИМЛИК СУВ ҚУВУРЛАРИ ТОРТИЛДИ. ТЕХНИКА КИРСА, ҚАЙТИБ ЧИҚОЛМАЙДИГАН ЙЎЛЛАРГА ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН ШАҒАЛ ЁТҚИЗИЛИБ, КЎЧАЛАР ОБОД БЎЛДИ. ЭСКИ МАКТАБ ЎРНИДА ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТГА ЭГА ЯНГИ МУАССАСА ҚАД РОСТЛАДИ

Бугун олис ва яқин маҳаллаларимиз обод ва кўркем қиёфага кириб бормоқда. Бу ўзгаришларда, албатта, маҳалла раислари, йиғин ходимларининг ташаббускорлиги муҳим роль ўйнамоқда. Фуқароларнинг муаммолари бартараф этилиб, ишсизликка чора топилмоқда. Жумладан, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги «Адолат» маҳалла фуқаролар йиғинида раис ва ҳоким ёрдамчиси ташаббуси билан маҳалланинг кўрқига кўрк қўшилиб борапти.

Йиғинда 774 та хонадонда жами 3 420 нафар фуқаро истиқомат қилади. Маҳаллада тоза ичимлик сувга кўп йиллардан буён эҳтиёж бор эди. Авваллари одамлар сувни сотиб олишар, бошқа маҳаллалардан ташиб келишарди. Энди бунга эҳтиёж қолмади. Чунки маҳалла раиси ташаббуси билан аҳолининг бир неча йиллик орзуси ушалди. Йиғиндаги аҳоли билан келишиб, ҳомийлар кўмагида 1 200 метр узунликда тоза ичимлик сув қувури тортилди.

Техника кирса, қайтиб чиқолмайдиган йўللарга ҳашар йўли билан шағал ётқизирилиб, кўчалар обод бўлди. Шунингдек, аҳоли сони ўсиши натижасида ҳудуддаги эски 360 ўринли мактабга ўқувчилар сиғмай

қолгани сабабли, бино бузиб ташланиб, унинг ўрнида давлат дастури асосида 5,2 миллиард сўм маблағ эвазига замонавий ўқув-қуроллари, иситиш тизими ва спорт залига эга бўлган янги 460 ўринли мактаб қуриб, фойдаланишга топширилди.

— Маҳалла аҳли ичимлик сув, кўп ўринли мактаб йўқлигидан қийналишган, — дейди «Адолат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дониёр Ҳайдаров. — Тоза ичимлик сувни тортиб келиш орқали одамларнинг кўп йиллик қийинчиликлари барҳам топди. Баҳор ва куз фаслида фарзандларимиз 3 сменада ўқишга қийналишмасди. Аммо киши келиб, кунлар қисқариши билан кичкина мактабда дарслар

кеч-қоронғуга қадар чўзилар, бу ҳолат бутун маҳалла аҳлини холдан тойдирганди. Бундай ўзгаришлар эса уларни яшашга бўлган иштиёқини янада оширмоқда.

Бундан ташқари, ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 33 нафар фуқарога 1 миллиард 15 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, бандлиги таъминланди. «Аёллар дафтари»даги хотин-қизларга имтиёзли кредит эвазига тикув машиналари олиб берилди. Шунингдек, «Ёшлар дафтари»даги ишсиз, моддий кўмакка муҳтож ёшларга моддий томонлама ёрдам кўрсатилди.

Мисол учун, Иқбол кўчасида яшовчи ногиронлиги бўлган, Музаффар Шокировга оиласини қўшимча маблағ билан таъминлаш мақсадида «Саховат ва кўмак» жамғармаси томонидан 20 миллион сўм маблағ эвазига электр муравей олиб берилиб, турмуш ўртоғи ҳақ тўланадиган ишга жойлаштирилди. «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури

доирасида ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан Иқбол кўчасида яшовчи ижтимоий Ҳимояга муҳтож Наргиза Абдусаттаровага 7 миллион имтиёзли кредит эвазига тикув машинаси ва дазмол олиб берилиб, бандлиги таъминланди. Қувонарлиси шундаки, бу билан у оиласи даромадига қўшимча ҳисса қўшиб, кунига 80-100 минг сўм даромад топяпти.

— Тикувчиликка ёшлигимдан қизиқар, ўзимча бир нималарни тикиб ўтирар эдим, — дейди Наргиза Абдусаттарова. — Ишсиз, қўшимча даромадим бўлмагани учун тикув машинасини олишга қурбимиз етмаётганди. Ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан имтиёзли кредит эвазига тикув машинасини олиб, тикувчиликни йўлга қўйдим. Маҳалладаги хотин-қизлардан тортиб, қўшни маҳалладан хотин-қизлар келиб, кийимларини тиктириб кетишмоқда. Мижозларим кўпчилигидан қўлим-қўлимга тегмай қолади баъзида. Бизга ўхшаган кам таъминланган, моддий кўмакка муҳтож оилалар ҳолидан

хабар олиб, уларга ёрдам бераётган инсонлар борлигидан хурсандман.

Айтиш керакки, йиғинда моддий кўмакка муҳтож ишсиз аҳолига кўмаклашиш билан биргаликда маҳалла инфратузилмасини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу ҳаракатлар натижасида 2022 йилда маҳалла раиси ташаббуси билан ҳудуддаги ташландиқ ерга «Яшил макон» дастури доирасида 2 минг туп терак қаламчалари ҳамда 100 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Энди бу кўчатлар сархил ҳосил бериш баробарида маҳалла кўчаларига ўзгача файз бағишлайди.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла аҳли раис ва ҳоким ёрдамчиси фаолиятдан мамнун. Уларни алқаб, яратилган шароитлардан, анча йиллик орзулари ушалганидан хурсанд. Ҳудудда қад кўтарган янги замонавий мактаб эса келажак авлодларнинг илмли бўлиб етишишига хизмат қилади.

Мансурбек ЖАББОРОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Гулчилик марказлари ташкил этилади

Янгийул ва Қибрай туманларида вилоят раҳбари топшириғи билан гулчилик марказлари ташкил этилади.

Янгийул туманининг «Дархон» маҳалласида ҳозир 399 та хонадон бор бўлиб, уларнинг 315 таси иссиқхоначилик билан шуғулланади. Шундан 215 таси гулчиликка ихтисослашган. Ушбу маҳалла фуқароларига «Бир ҳудуд — бир маҳсулот» тамойили асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида, 10 ва 20 сотихдан ер ажратиш режа қилинган.

Бундан ташқари, мазкур маҳалла ҳудудидан 2 гектардан зиёд ер майдонида гулчилик маркази ташкил этиш йўлга қўйилди. Бу ерда ишсиз аҳоли гулчилик соҳасига, яъни, ландшафт дизайни,

гулчилик селекцияси ва кўчатчилик йўналишларида ўқитилади. Марказга соҳа мутахассислари жалб этилиб, гулчиликнинг замонавий турларига асос солинади, гул етиштириш ва сотишда нафақат ички бозор, балки экспортбоп навларга эътибор берилади. Бу эса келгусида халқаро гуллар фестивали ва кўрғазмаларини ташкил этиш имконини беради.

Таҳлилларга кўра, 2023 йил Тошкент вилоятида ҳоким ёрдамчилари кўмаги билан 250 мингдан ортиқ аҳоли бандлиги таъминланади. Бунда аҳолининг даромад солиғи тўловчилар 785 мингтага

етказилиб, 2022 йилга нисбатан 150 мингтага кўпайтирилади. Оилавий тадбиркорлик дастури доирасида 35 мингга яқин лойиҳаларга жами 850 миллиард сўмлик кредитлар ажратилиб, янги иш ўринлари ва тадбиркорлик субъектлари ташкил этилади.

7 минг нафардан ортиқ ишсизлар, айниқса, ёшлар, аёллар ва эҳтиёжманд аҳолини иш билан банд қилиш мақсадида 39 миллиард сўм субсидия маблағлари ажратилади. Хусусан, 9 минг 88 гектар қишлоқ хўжалиги ерларини ижарага бериш орқали жами 25 минг нафарга яқин аҳоли иш билан таъминланади.

Ҳар бир фуқаро давлат эътиборида эканини ҳис қилмоқда

МАҲАЛЛАЛАРНИНГ «ЎСИШ НУҚТАЛАРИ» ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА 15 ТА, ПАРРАНДАЧИЛИККА 3 ТА, ДЕХҚОНЧИЛИККА 2 ТА, ИССИҚХОНАЧИЛИККА 1 ТА, ЧОРВАЧИЛИККА 1 ТА ВА ТИКУВЧИЛИК ЙЎНАЛИШИГА 2 ТА МАҲАЛЛА ИХТИСОСЛАШТИРИЛДИ



Камбағалликни қисқартиришда аҳолининг даромад топишига хизмат қилувчи лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш муҳим омил ҳисобланади. Айниқса, бунда «махалла — оила — фуқаро» тамойили асосида аҳоли ҳаётидаги муаммоларни тизимли ўрганиш ва ўз вақтида, тўлиғича ҳал этишга хизмат қилувчи «махаллабай» ишлаш тизими жорий этилгани бугунга келиб ўзини тўла оқламоқда, дейиш мумкин.

Сирдарё вилоятида «махаллабай» ишлаш натижасида аҳоли муаммолари уйма-уй юриб ўрганилмоқда. Биргина Гулистон шаҳридаги маҳаллаларда 2022 йил давомида 11 153 та иш ўрни яратилди. Бунинг 4 878 таси доимий иш ўринлари бўлса, 3 341 та ҳолатда ўзини ўзи банд қилиш, 1 962 та ҳақ тўланадиган жамоат ва мавсумий ишларга жалб қилиш, 972 та юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорликка йўналтириш ҳисобланади.

Эътиборлиси, жараёнда маҳалла раиси билан ҳоким ёрдамчилари ҳамкорлиги ютуқларга асос бўлмоқда. Мисол учун, «Ибратли» маҳалласида яшовчи Севара Аккулова дастлаб тикувчилик йўналиши бўйича «Ишга марҳамат» мономарказида касбга ўқитилди. Кейинги босқичда давлат дастури доирасида 33 млн. сўм имтиёзли кредит маблағи эвазига 4 та янги иш ўрни яратди. Шунингдек, Ҳунармандчилик уюшмаси ва Бандлик жамғармасининг субсидия маблағлари ҳисобидан 15 нафар хотин-қиз касб-ҳунар ўрганди. Бундан ташқари, 8 нафар жамоат ишчиси боғбонликка ишга жойлаштирилди. 14 нафар фуқаро хонадонидан субсидия асосида 3 та иссиқхона қурди, 8 нафар фуқарога тикув машинаси ва 3 нафарига уй шароитида егуликлар тайёрлаш учун асбоб ускуналар олиб берилди. 72 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилиш орқали доимий ишга жойлашди.

2022 йил давомида ҳоким ёрдамчилари тавсияси билан шаҳар бўйича 3 087 нафар фуқаро касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига эга бўлди. Мисол учун, Гулистон шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономарказида тахсил олган 1 565 нафар фуқаронинг 975 нафари мустақил даромад манбаига эга. Уз навбатида оилавий тадбиркорлик дастури доирасида ҳам 1 706 та лойиҳага 49,5 млрд. сўм кредит йўналтирилди.

Айтайлик, «Тараққиёт» маҳалласида жойлашган «Yangi bozor hamkor» МЧЖда 225 млн. сўм кредит ҳисобидан 8 та иш ўрни яратилди. Санобар

Исроилова эса хонадонидан баликчилик корхонаси ташкил этди. Умуман, дастур доирасида «Онлайн маҳалла» платформаси орқали 140 млрд. сўмлик 3 763 та лойиҳа учун аризалар келиб тушган бўлса, шундан 52 млрд. сўмлик 1 751 та лойиҳага ижобий тавсияномалар берилди. Бугунгача 1 706 та лойиҳа амалга оширилди. «Намуна» маҳалласида яшовчи Акмал Тўраев ҳам ана шундай лойиҳа асосида 200 миллион сўм кредит олди. Бунинг эвазига эркаклар сартарушонаси ташкил қилиб, нафақат ўзи, балки яна 3 нафар ишсиз ёшнинг бандлигини таъминлади.

Бундан ташқари, «махаллабай» ўрганишлар давомида аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларга меҳнат қуроллари ва асбоб-ускуналар олиб бериш мақсадида 512 нафар фуқарога 2 млрд. 956 млн. сўмлик субсидиялар ажратилди. Мисол учун, «Дўстлик» маҳалласида яшовчи Нейла Искандерова айни шу йўналишдаги кўмак орқали хонадонидан 1 сотих ичмач иссиқхона ташкил этган бўлса, «Сайқал» маҳалласида яшовчи Нилуфар Аладиновага субсидия асосида 1 дона замонавий тикув машинаси олиб берилди.

Республика вакили, ҳоким ўринбосари ҳамда марказ раҳбари томонидан sanoat, хизмат кўрсатиш соҳасида 15 млрд. сўм бўлган жами 48 та лойиҳа шакллантирилиб, мазкур лойиҳалар ишга туширилиши натижасида 309 та янги иш ўрни яратилди. Мисол учун, «Дўстлик» маҳалласида умумий қиймати 320 млн. сўм бўлган қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ташкил қилиниши натижасида 5 нафар фуқаро ишли бўлди. «Янги ҳаёт» маҳалласида «Латифат чевар қизлари» ишлаб чиқариш кооперацияси раҳбари Феруза Абдураимовага 81 млн. сўм субсидия маблағи ажратилиб, маҳаллада 15 ўринли тикувчилик цехи очди. Икки сменада иш ташкил этилган бу корхонада 25 нафар ишсиз аёллар бандлиги таъминланди.

Маҳаллаларнинг инфраструктурасини яхшилаш мақсадида 11 км. кўчалар шағал-

лаштирилди, 9,2 км. цемент бетон, 5,6 км. асфальт бетон қопламаси ётқизилди. 2,8 км. ичимлик суви қувурлари таъмирланди. 2,5 км. пиёдалар йўлаги барпо этилди. Электр таянч устунлари алмаштирилиши лозим бўлган кўчаларга 300 дона бетон устун ўрнатилди. Яроқсиз 30 та трансформатор таъмирланди ва 62 та трансформатор жорий таъмирланди, 9 таси янгиланди. «Соҳил» маҳалласининг Турон кўчасига 1,1 км. ички йўллари асфальт қопламаси ётқизилган бўлса, «Баҳор» маҳалласидаги лидер тадбиркорлар ишлаб чиқариш кооперативи асосида маҳалладаги 40 нафар ишсизнинг бандлиги таъминланди. Бугунги кунда ушбу кооперацияга «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойили асосида «Баҳор» ва «Ибратли» маҳаллаларидаги субсидия ажратилган 15 нафар хотин-қизлар бириктирилди.

Маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари» ва ривожлантириш имкониятларидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатишга 15 та, паррандачиликка 3 та, деҳқончиликка 2 та, иссиқхоначиликка 1 та, чорвачиликка 1 та ва тикувчилик йўналишига 2 та маҳалла ихтисослаштирилди. «Улуғбод» маҳалласидаги тадбиркорлик билан банд аҳолининг 35 фоизи – 70 та хонадонда паррандачилик ташкил этилган бўлиб, ушбу хонадонларда «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойили асосида бройлер етиштирилиши йўлга қўйилган. Бу ерда йил давомида ўртача 5 маротаба гўшт маҳсулоти олинади.

Хулоса ўрнида айтсак, «махаллабай» ишлаш тизими орқали олиб борилаётган ўрганиш ва амалий ёрдамлар натижасида ҳар бир фуқаро давлат эътиборида эканини ҳис қилмоқда. Энг муҳими, хоҳиш ва истаклари асосида касб-ҳунарни бўлиб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйишлари учун шарт-шароит яратилмоқда.

**Беҳзод НОДИРОВ,
Гулистон шаҳар
Маҳаллабай ишлаш
ва тадбиркорликни
ривожлантириш маркази
бошлиғи.**

НИГОХ

Варганза қишлоғи — Китоб туманининг олис тоғли ҳудудида жойлашган. Бу қишлоқнинг нафақат вилоятда, балки мамлакатга донғи кетган, десак адашмаган бўламиз. Аслида, бу жойни қишлоқ дейиш унчалик тўғри эмас. Бир-биридан чиройли иморатлар, мухташам уйлар, фаровон кўчалар, маиший хизмат шохобчалари жойлашуви боис Варганзани тоғ этагидаги гўзал шаҳарчага қиёслаш мумкин.

ҚИШЛОҚНИ ДУНИЁГА ТАНИТГАН АНОР

ҲУДУД АҲОЛИСИ АНОРНИ МАХСУС СОВИТКИЧЛАРДА ЭМАС, БАЛКИ ЎЗИГА ХОС АРХИТЕКТУРАГА ЭГА ОМБОРХОНАЛАРДА, ТАБИЙ ШАРОИТДА САҚЛАШНИ МАЪҚУЛ КЎРАДИ. ШУНДАЙ ҚИЛИНСА, МАҲСУЛОТ СИФАТИГА ПУТУР ЕТМАЙДИ, УЗОҚ ВАҚТ ЯХШИ САҚЛанаДИ

Варганза дейилса, табиийки, биринчи галда хаёлга анор келади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бу қишлоқ Ўзбекистондаги анорчиликда машҳур уч ҳудуддан бири ҳисобланади. Ҳудуд аҳолиси анорчилик борасида ўзига хос мактаб яратган. Қишлоқ одамлари, асосан, анор етиштириш билан шуғулланади. Соҳибкорлар ота-боболаридан мерос касбни асраб-авайлаб, тажрибаларини бойитиб, мевалар тождори — анорни эл дастурхонига етказиб бермоқда.

— Варганза анори ўзига хос, бошқаларни такрорламайди, донаси йириклиги, мазали таъми билан донғи чиққан, — дейди «Варганза» маҳалла фуқаролар йиғини раиси **Зиёдулла Мирзаев**. — Бу борада Дашнобод ва Қува анорлари билан беллашса беллашадими, ҳеч бир жиҳатдан қолишмайди. Қишлоқда ҳар инсон анорчиликда ўзига хос тажрибага эга. Қолаверса, Варганзага 2019 йилда Ўзбекистондаги биринчи агротуризм қишлоғи мақоми берилган. Шу боис бу ерга ҳар йили кўплаб чет эллик ва маҳаллий сайёҳлар ташриф буоришади, бунинг учун етарли шароитлар яратилган.

Бугун фуқаролар йиғинида етти мингдан ортиқ киши яшайди, 1,3 мингдан зиёд хонадон мавжуд. Маҳаллада бирор ишсизни топа олмайсиз. Асосан, ўзини ўзи банд қилиб, боғдорчилик ортидан рўзғор тебратишмоқда. Фермер хўжаликлари ер майдонлари ва аҳоли томорқаларида анорнинг қораширин, бедонак, аччиқдона, улфи, қай, туятиш сингари навлари етиштирилади.

— Маҳалламизнинг асосий «драйвер»и — боғдорчилик, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси **Комил Одиллов**. — Ҳозир 1 300 дан ортиқ хонадон бўлса, ҳар бир ҳовлида анор етиштирилади. Урта ҳисобда бир йилда 25-30 миллион сўмгача

даромад олишади. Шунингдек, кейинги пайтда лимончилик яхши ривожланмоқда. Иссиқхоналар барпо этилиб, цитрус мева кўпайтириш йўлга қўйилмоқда. Жорий йилда жами 963 миллион сўм кредит ажратилиб, 170 дан ортиқ хонадонда янги иссиқхоналар қурилди. Бу аҳолини иш билан таъминлаш йўлидаги ҳаракатлар самараси, десак хато бўлмайди.

Бугун Варганзада 1000 гектардан ортиқ анорзор ташкил этилган. Бежиз бу соҳа қишлоқнинг асосий иқтисодий «драйвер»и ҳисобланмайди. Сабаби, бу ҳудуднинг табиий иқлим шароити анорчилик учун жуда қулай, тармоқдан келаётган даромад аҳоли даромадининг катта қисмини ташкил этади. Қишлоқда етиштирилаётган анорнинг асосий қисми — қорадона навидир. Бугун Варганзада фаолият юритаётган 50 дан зиёд фермер хўжалигининг асосий йўналиши айнан анорчилик ҳисобланади. Фермерлар бугун анор парваришида замонавий усулларни қўллаш, ҳосилдорликни кўпайтириш ҳаракатида.

Яна бир жиҳати, бу ҳудуд аҳолиси анорни махсус совиткичларда эмас, балки ўзига хос архитектурага эга омборхоналарда, табиий шароитда сақлашни маъқул кўради. Шундай қилинса, маҳсулот сифатига путур етмайди, узоқ вақт яхши сақланади. Бу усул орқали Варганза деҳқонлари ҳар йили март ойига қадар бозорларни анор билан узлуксиз таъминлашга эришиб келади.

— Асосий даромад манбаимиз бўлгандан кейин анорчиликка шунчаки қўл учида қарай олмаймиз, — дейди **варганзалик меҳнат фахрийси Зиёдулла Мирзаев**. — Каттадан тортиб кичикгача — барча ўз ишининг устаси. Ҳудудда анор ўстирмайдиган хонадон йўқ. Ҳар мавсумда Варганзада 5,5-6 минг тонна анор етиштирилади. Ярмини ички бозорга берсак, қолгани чет эл



мамакатларига жўнатилади. Бизда анорнинг 3-4 хил нави парваришланади. Улфи анорнинг пўсти юпқа, серсув бўлади. Бедонак анор анча харидоргир. Қора дона аноримиз хорижда машҳур. Бундай анорнинг пўсти қалин бўлгани учун узоқ вақт яхши сақланади. Булар ҳаммаси маҳаллий, шароитимизга мослашган навлар, айтarli бошқа жойда учратмайсиз.

Маҳаллий аҳолининг фикрича, яхшилаб асраса, март ойи охиригача хонадонларда анор истеъмол қилиш мумкин. Кузнинг охириги ойлари анор буталарини кўмиш учун энг қулай вақт. Чунки бу вақтда анор дарахти танасида сув бўлиб, яхши эгилади ва синмайди. Уни қанчалик сифатли кўмсангиз, буталар қиш бўйи шунчалик ишончли сақланади. Баҳор келиб, кунлар қизий бошлагач, у ўз вақтида очилиши шарт. Агар озгина кечиксангиз, бу бутанинг ривожига, гуллашига салбий таъсир ўтказиши мумкин. Шунингдек, ерни ўз вақтида озиклантириб, сувни берсангиз, бунинг натижаси олинажак ҳосилда намоён бўлади.

Дарвоқе, қишлоқ аҳолисининг азалий орзуларидан бири ушалиши учун ҳаракат бошланган. Варганзаликлар бир неча йилдирки, қўшимча ер бўлса, боғдорчиликни янада кенгайтириш истагида. Бу борада керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалий ишларга киришилган. Жумладан, лалми ерлардан 500 гектар ажратилиб, Осиё тараққиёт банки молиявий кўмагида ушбу ҳудудга сув чиқариш ҳамда томчилатиб суғориш тизимини ташкил этиш чоралари қўрилмоқда. Янги ўзлаштирилдиган ердан аҳолига 25 сотихдан ер ажратилиб, деҳқон хўжаликлари қилиб берилади. Демак, келгусида Варганзада анорзорлар кўпайиб, аҳоли даромади ошади. Бозорларимиз янада кут-баракали бўлади.

Санжар ИСМАТОВ.

ХИТОЙ, ЯҚИН ШАРҚ,
АФРИКА, ЛОТИН
АМЕРИКАСИ, ЭРОН,
ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ВА
САУДИЯ АРАБИСТОНИДА
БОЛАЛАРНИ ЗЎРЛАГАНЛИК
УЧУН ЎЛИМ ЖАЗОСИ БОР.
ФАҚАТ БИЗДА ОРИЯТНИ
ЎЛДИРГАН, ИФАТНИ
ЯКСОН ҚИЛГАН, НОМУСНИ
ТОПТАГАН КИМСАЛАР
ОСОНГИНА КЕЧИРИЛАДИ

НОМУСНИ ТОПТАГАННИ ОСОНГИНА КЕЧИРИБ БЎЛМАЙДИ

«Опа, спа-салондаги қизларнинг аксарияти Тошкентга вилоятлардан келиб ўқиётган талабалар экан, бир тундаги хизмати учун 100 АҚШ доллари олишаркан, ўз кўзим билан кўриб, «шокка» тушдим...»
«Mahalla» телеканалда ишлаётган шогирдимнинг бу гапларидан ҳушим бошимдан учди. Ярим тунда эркак мижозларга хизмат кўрсатаётган қизлар талаба, ота-онаси уларни не-не умидлар билан пойтахтга жўнатган, ҳозир эл-юрт орасида «қизим фалон институт ё университетда ўқияпти» деб ғурурланиб юришибди. Бу қизлар эса...

Хаётда қиммат ва қимматли нарсалар бўлади. Данғиллама уй-жой, ҳашаматли машина, тақинчоқу кийимлар қиммат нарсалар бўлса, умр, соғлиқ, ор-номус, ишонч кабилар қимматлидир. Қиммат буюмлар қимматбаходир, аммо қимматли нарсалар бебаҳо. Афсуски, бугун ёшларимиз орасида қиммат буюмлар, деб қимматли нарсалардан айрилиб қолаётганлар, бунинг оқибатини тушуниб етмаётганлар кўп. Бугунги иқтисодий инқирозлардан кўз юмолмаймиз, тўғри, бироқ маънавий инқирозлар одамни даҳшатга солади. Нима учун меҳр-оқибат кўтарилган элдан ор-номус ҳам йироқлашапти? Масалан, жорий йилнинг январь ойи охирида ижтимоий тармоқларни «портлатган» воқеа фикримизга яққол далил бўлади. 29 ёшли эркак ўз қўшинининг 12 ёшли қизини аввал зўрлаб, кейин бўғиб ўлдирган. Одамийликнинг минг йиллик қонунлари бор. Шулардан бири – қўшничилик муносабатлари. Қўшнига етказилган озорнинг гуноҳи бошқаларга берилган азобниқидан минг чандон оғир бўлади. Шунингдек, устачиликнинг ҳам ўз қонун-қоидалари бор. Азалдан элнинг иморатини қуриб берувчи катта усталар ўз шогирдига «қўл бераётиб», аввало, ишлаётган хонадонидаги аҳли аёлга ёмон кўз билан қарамасликни

ўқтиришар экан. Ваҳоланки, 12 ёшли гўдакнинг қотили муқаддам ҳам ўз «ўлжаси» улғаяётган уйда уста сифатида ишлаган, шу хонадондан нон-туз еган экан. Кунни кеча Тошкент вилоятида содир бўлган ва ижтимоий тармоқларда тарқалган яна бир ҳодиса: турмуш ўртоғи хорижда ишлагани кетган, икки нафар вояга етмаган гўдаги билан яшаётган аёлнинг уйига бегона эмас, маҳалладоши бўлган тўрт эркак босқинчиликка кирибди. Аёлни уриб, навбати билан номусига тегиб, бу жирканчиликка гувоҳ бўлган болаларни ҳам азоблашибди. Бу миллат учун иснод эмасми? Ахир ота-боболаримиз ўз даврида эркаги йўқ хонадонларга ҳатто бўйлашмаган, бундай оилаларнинг аёллари ўзлари сув ташимай челақни дарвоза ёнига қўйишса, қўшни эркаклар тўлдириб келиб, жойига қўйиб кетишган. Энди эса... Уйлаб ўйингга етолмайсан одам, нима учун орни унутганлар, номусдан бегоналар кўпаймоқда? Балки юртимизда ор-номусга тажовуз ва номуссизликни касб қилиб олганларга нисбатан жазо чораларини кучайтириш керакдир. Тўғри, халқаро қонунчиликда беҳаёлик, жумладан, фоҳишалikka нисбатан айтарли жазо йўқ. Бу айрим давлатларда, ҳатто дискриминация ҳисобланади ва уларга нисбатан «интим муносабат орқали кун кўрувчилар» ибораси қўлланилади. Аммо, биз мусулмонимиз, демократик

давлатда яшасак-да, муқаддас ислом динига амал қиламиз. Шу боис жамиятни булғаяётган кимсаларга нисбатан кўнгилчан бўлиб, ҳемири пул бўладиган жарима қўллаш тўғримики? Тобора кўп учраётган педофилларга нисбатан ҳам жазо чораларини кучайтириш лозим. Афсуски, аёллар ва болалар зўравонлигига қарши чораларни кучайтириш мақсадида Сенат ҳузуридаги ишчи гуруҳ томонидан маҳалладоши бўлган қонун лойиҳасидан энг керакли жазо чоралари, хусусан, вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик учун жазони кiritилган бандлар «кесиб» ташланибди. Жиноят кодексининг 129-моддасида 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш, шахснинг 16 ёшга тўлмагани айбдорга аён бўлган ҳолда, унга нисбатан зўрлик ишлатмай уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этиш – 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки 1 йилдан 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 1 йилдан 2 йилгача озодликни чеклаш ёки 1 йилдан 2 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган. Уша ҳаракатлар зўрлик ишлатиб ёки кўрқитиб содир этилган бўлса, 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 2 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 2 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Кодекснинг 118-моддасида эса шахснинг 18 ёшга тўлмаганлиги айбдорга

аён бўлган ҳолда, яқин қариндошга нисбатан, ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, оғир оқибатларга олиб келган бўлса, 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади, дейилган. 14 ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахснинг номусига тегиш 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Аёнки, бу жазолар ҳам нисбий, чунки айнан шундай моддалар билан озодликдан маҳрум этилиб, авф ёки амнистия тўфайли муддатидан аввал озод бўлганлар бор. Хорижда эса бундай жиноятларга анча оғир жазо чоралари белгиланган. Хусусан, Қозоғистон, Украина, Польша, Америка, Россия ва Германияда бундай жиноятни содир этганлар узоқ муддатга, айримларидан умрбод озодликдан маҳрум этилишидан ташқари, кимёвий ёки жарроҳлик йўли билан кастрация қилинади. Хитой, Яқин Шарқ, Африка, Лотин Америкаси, Эрон, Жанубий Корея ва Саудия Арабистонида болаларни зўрлаганлик учун ўлим жазоси бор. Фақат бизда, жиноятларга жазолар либераллаштирилган Ўзбекистонда ориятни ўлдирган, ифатни яксон қилган, номусни топтаган кимсалар осонгина кечирилади. Хуллас, бугун беҳаёликка бепарво бўлар эканмиз, бу бизни маънавий таназулга етаклаши шубҳасиз...

Холбиби САФАРОВА,
журналист.

БИЛАСИМИЯ

Маҳбусларга иш стажини қўшилади

Президент томонидан имзоланган тегишли қонун билан айрим қонун ҳужжатларига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга киритилган қўшимчага кўра, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўташ даврида бажарилган ҳар қандай иши, агар ушбу иш бажарилган давр учун жазони ижро этиш муассасаси томонидан ижтимоий солиқ тўланган бўлса, пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Шунингдек, «Жиноят-ижроия кодекси»га маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганлигини аниқлаш мезонлари киритилди. Маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганлиги комиссия томонидан ҳар чорак якунларига кўра қуйидаги мезонлардан бири асосида белгиланади:

- маҳкумнинг меҳнатга виждонан муносабатда бўлиши, белгиланган меҳнат нормаларини бажариши, онгли равишда мустақил ишлаш кўникмаларининг шаклланиши, ўқишга ва касб-ҳунар ўрганишга қизиқиши;

- маҳкумнинг жазони ижро этиш муассасаларида ташкил этиладиган маданий-маърифий тадбирлардаги иштироки, унинг ташаббуси, бошқа маҳкумларга ибрат бўлишга интилиши;


- маҳкумнинг жазони ижро этиш муассасасида ўрнатилган ички тартиб-қоидаларига риоя этиши, маҳкумга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилганлиги, унга интизомий жазо чораси қўлланилмаганлиги.

Маҳкумни тузалиш йўлига ўтган ёки ўлмаган деб топиш тўғрисидаги ҳулоса комиссия томонидан расмийлаштирилади ва маҳкумнинг шахсий йиғмажилдига қўшиб қўйилади.

ОГОҲЛИК

ВАЛЮТА ФУРУШЛАР

ҲЕЧ КИМДАН ҚЎРҚМАЙДИМИ?



Авваллари бозорларда ёки гавжум кўчаларда валютафурушларга кўп дуч келардик. Валюта олиш учун ҳам, уни сўмга айлантириш учун ҳам банкларга эмас, айнан «қора бозор»даги фирибгарларга юзланардик ва кўп ҳолларда уларнинг фирибига чув тушардик. Чунки у вақтларда банклар орқали валюта алмаштириш имконсиз эди. Бугун хизматни нафақат банклар, балки кўчаларга ўрнатилган банкоматлар орқали амалга ошириш мумкин. «Қора бозор»даги кўзбўямачиларнинг бозори касод бўлди. Бироқ...

Яқинда бир юмуш билан вилотга чиқадиган бўлиб қолдим. Кўча совуқ. Қиш фасли қаттиқ келгани, ёқилғи қуйиш шохобчаларида газ йўқлиги учун йўлқира қиммат. Шундай бўлса-да, поездга исталган вақт чипта топиб бўлмаслигини билган ҳолда, таксига чиқишга мажбур бўлдим. Чамаси йўлнинг ярмига етганимизда ҳамроҳим егулик олиш учун машинадан тушди. Йўл ёқасидаги дўкандан ул-бул харид қилдию, машинага ўтиргач, қўлидаги янги 100 минг сўмликларни санай бошлади. Бир нималарни пичирлаганча пулларини синчковлик билан кўздан кечириб, иккита 100 минг сўмликни ажратди-да: «Бизни ишлатган одам иш ҳақини сўмда эмас, долларда берганди. Боя таксига чиққунча банкоматга валюта майдалайман, деб боргандим, ишламаётган экан. Шу вақт банкомат ёнидаги валютафуруш долларни сўмга алмаштириб беришини айтиб қолди. Банкка бориб, сарсон бўлиб юраманми, дея 100 долларни ушалардан сўмга айлантиргандим. Қаранг, шунчалик лақма бўламанми, майдаланган пулдан 200 минг сўм қалбаки чиқиб турибди. Узоқ бўлса-да, банкка бориб келсам бўлмасмиди?» дея ёзғириб қолди.

Хаёлимга бундан бир неча кун олдин танишим билан ҳам шундай воқеа содир бўлгани келди. Ўртоғим банкоматдан валюта айирбошламоқчи бўлганда, у ишламаган. Ноилож шу ердаги валютафурушлардан ишини битирган. Уйига бориб пулини санаса, ичидан 200 минг сўм сохта бўлиб чиққан.

Ҳа, бугун айрим жойларнигина ҳисобга олмаса, аввалгидек бозорларда ёки одамлар гавжум жойларда валютафурушларни кўрмаймиз ҳисоб. Бироқ бугун улар ўзларига янги жой, яъни доллар айирбошлайдиган банкоматларнинг ёнидан «қўним» топган. Шу орқали ўз ишлари

билан шуғулланишмоқда. Банкоматларнинг ишламаётгани уларга қулай вазият бўляпти. Тўғри, улар ҳам оила тебратиш дардида шундай юрибди, дерсиз. Аммо кимларнидир чув тушириб, топаётган луқмалари ўзига, фарзандларинг юқармикан? Шунинг ўрнига яхши бир касбнинг этагидан тутиб, ҳалол меҳнат билан рўзгор тебратса бўлмасмикан?

Қолаверса, банкоматлардан пул ўғирлаш ҳолатлари кўп учраяпти. Балки мана шундай жиноятларни, фирибгарликларни камайтириш учун банкоматларнинг ташқи қисмига кузатув камераларини ўрнатиш ёки уларнинг ёнига банклар томонидан назоратчи қўйган маъқулдир. Чунки бундай фирибгарликлар билан шуғулланувчилар камераларга тушиб қолишдан хавфсирашади, бордию юқоридаги ҳолат юз берса, банкоматлар ён-атрофида ўрнатилган камералар орқали жиноятчини топиш осонроқ бўлади, назаримизда.

Шу билан бирга, фирибгарлар тузоғига тушмаслик учун банкоматларнинг доимий ишлашини назорат қилиш, айирбошлаш шохобчаларининг туну кун ишлашига шароит яратиш керакдир? Ваҳоланки, юқоридаги ҳолатларнинг барчасида бир жиҳат кўзга ташланади: банкомат ишламаётгани ҳисобига фуқаролар фирибгарга дуч келяпти. Қолаверса, валютафурушларга қарши назоратни кучайтириш лозим. Бугун нафақат банкоматлар олдида, балки катта кўчаларда, ҳатто банкларнинг олдида уларни учратиш мумкин. Хўш, улар ҳеч кимдан қўрқмайдами?

Бордию сизда ҳам валюта айирбошлашда банкоматда муаммо туғилса, банкка мурожаат қилинг! Кўчадаги фирибгарлар тузоғига тушиб қолишдан сақланинг!

Мансурбек ЖАББОРОВ.

«КАПИТАЛ PLUS МИКРОМОЛИҲА ТАШКИЛОТИ» МЧЖНИНГ БАЛАНС ҲИСОБОТИ 2022 ЙИЛ «31» ДЕКАБР ҲОЛАТИГА

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
АКТИВЛАР			
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	1 036
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	49 318
30	16300	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	134 942
40	11100*	Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – факторинг	0
50	12401+12405+14801*+15701	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмол), брутто	4 707 926
51	12499+12599*+12799*+14899*+14999*+5199*+15799	Минус: кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси	229 602
52		Кредитлар, соф (50 код - 51 код)	4 478 324
60	15600*+15709*-15699	Микролизинг, соф	0
70	16500	Асосий воситалар, соф	221 952
80	16600	Номоддий активлар, соф	0
90	16701	Бошқа хусусий мулклар	0
91	16707+16799	а. Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
92		б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код)	0
100	19900+16100*+16400	Бошқа активлар	43 572
110		Жами активлар (10+20+30+40+52+60+70+80+92+100)	4 929 144

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
МАЖБУРИЯТЛАР			
210	21400+21600+22000	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	1 067 000
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар	0
230***	23600	Чиқарилган облигациялар	0
240	22400	Тўланиши лозим бўлган фоизлар	8 269
250	22500	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	4 944
260	22800	Муддати узайтирилган даромадлар	278
270	29800+22200*	Бошқа мажбуриятлар	18 353
280		Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260+270)	1 098 844
КАПИТАЛ			
310	30301	Устав капитали	2 015 000
311***	30312+30318-30306-30324	а. Акциялар – оддий	0
312***	30309+30315-30303-30321	б. Акциялар – имтиёзли	0
320***	30600	Қўшилган капитал	0
330	30900	Захира капитали	330 009
331	30903	а. Умумий захира фонди	325 631
332	30905+30908	б. Бошқа захира ва фондлар	4 378
340	31203	Тақсимланмаган фойда	1 289 432
350	(40000-50000)+31206	Жорий йил фойдаси (зарар)	195 859
360		Жами капитал (310(311+312)+320+330+340+350)	3 830 301
370		Жами мажбуриятлар ва капитал (280+360)	4 929 144

Изоҳ: ушбу ҳисобот «TRANS-AUDIT-A» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 24.01.2023 йилдаги ижобий хулосаси билан тасдиқланган.



ЧАҚАЛОҚЛАР «АЛЛА»НИ АУДИОДА ЭШИТИБ УЛҒАЯДИ... (МИ)?

ЯҚИНДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚДАГИ БИР ЭЪЛОННИ ЎҚИБ ҲАЙРАТИМ ОШДИ. НИМА ЭМИШ —
«ЎЗИ ТЕБРАНУВЧИ ВА «АЛЛА» АЙТУВЧИ БЕШИК СОТИЛАРКАН!

Ажаб, замонавий илм-фан кун сайин ривожланиб бораётган замонда ўзи тебранувчи — махсус мосламали бешикни тасаввур қилиш мумкин. Лекин... Энди «Алла»ни аудиоёзудан эшитишга маҳкум бўладими чақалоқларимиз?! Она меҳри билан, юрак қўри ва дил тубидан чиққан эзгу сўзлардан иборат мўъжизакор кўшиқни «фонограмма»да тинглайдими жажжилар?!

Ростдан ҳам ёш келинларимизнинг гўдакларга алла айтиши урфдан қолмаётгани кейинги замонларда? Асрлар давомида айрилиб келинаётган бу кўшиқ (аслида кўшиқ эмас, онанинг ўз жигарбандига тилак-нияти, юрак сўзи, муқаддас қадриятларимиз инъикоси десак, тўғрироқ бўлар) йиллар ўтиб унутилишга юз тутадими? Мана шу каби саволлар кишини оғир ўйга толдиради...

Атоқли шоир Омон Матжоннинг «Алла ҳақида ривоят»ида узоқ ўлкага турмушга чиқаётган, қишлоғига қайтмас бўлиб кетаётган қизига нисбатан ноилож қолган она томонидан бир илтимос янграйди: «Қизим, бахтли бўл. Битта ўтинчим: бола кўрсанг, уларнинг ҳеч бирига алла айтма! Айтсанг, бутун умр норози кетаман...»

Воқеалар ривожда икки гўдагини ерга берган, учинчиси ҳам касал бўлиб қолганида чақа-

лоғига алла айтишга мажбур бўлган аёл дод солиб йиғлайди! Шундагина ота-онасини, дугоналари, қариндош-уруғлари, қишлоғини қаттиқ соғинганини ва онаси нима учун алла айтмасликни илтимос қилганини англаб етади. Демакки, алла гўдакларни ухлатиш учунгина айтилмайди, балки шу оҳанг, она сўзлари орқали боланинг қалбига Ватан туйғуси, эзгулик, мардлик, юртпарварлик уруғлари экилади.

— Бу сирли-сеҳрли кўшиқни неча асрлардан буён момо-бувиларимиз айтиб келган, — дейди **ёзёвонлик онахон, «Алла» кўшиқларининг моҳир ижрочиси Дороҳон моҳ Абдуҳомидова.** — Сирли дейишимга сабаб шуки, алла тинглаб катта бўлган йигит-қизлар ёмонликдан, ёвузликдан йироқ бўлади. Яъни бу сўз-оҳанг орқали фарзандларимиз онгу шуурига ижобий таъсир қилиш мумкин. Ахир,

дунёда ҳеч бир алла йўқки, унда «улғайсанг ёмон одам бўлгин», «кун келиб сотқинга айлангин» каби нияту мақсадлар намоён бўлса. Шунинг учун ёшларимиз, келин-қизларимиз алла айтишни билишлари зарур, бу оналар кўшиғининг янги талқинлари, бой оҳанглари яратишни ўйлашимиз керак.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Республика Маънавият ва маърифат маркази Фарғона вилояти бўлими томонидан азалий қадриятларимизни асраб-авайлаш мақсадида ташкил этилаётган турли тадбирлар замирида ана шу эзгу ғоя мужассам. Жумладан, «Оналарга эҳтиром» фестивали, «Маърифатли бувижонлар», «Меҳр улашамиз» каби лойиҳалар доирасида нурунийларимизнинг ибратли умр йўллари, ҳаётнинг аччиқ-чучугини бошдан ўтказган кексаларнинг сабр-қаноат, яхшиликнинг мукофоти, аҳиллик бораси-

даги ўғит-насиҳатлари ёшлар маънавиятини юксалтиришга, дунёқарашини бойитишга, миллий урф-одатларимизга ҳурмат ҳиссини уйғотишга хизмат қилмоқда. Аслида ҳам, миллатнинг миллат, халқнинг халқ бўлишида айнан маънавиятимиз ўзаги — миллий анъана ва қадриятлар, ўзига хослик, шулар қаторида «Алла» кўшиғи муҳим омил эмасми?!

Нафақат алла, шунингдек, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззат, аёлларни қадрлаш, ахлоқ-одобга оид миллий қадриятларимиз, китобга меҳр, хайр-саховат каби удумларимизни кейинги авлодларга етказиш, имкон қадар яхши унсурлар билан янада бойитиш борасида қатор чора-тадбирлар белгиланган, эзгу мақсадли лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА.

ЭҲТИРОМ

Аждодларимизнинг барҳаёт наволари

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги «Баркамол авлод» болалар мактабида буюк шоир ва мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби Мир Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

«Аждодларимизнинг барҳаёт наволари» шиори остида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, «Қишлоқ ҳаёти» газетаси Бош муҳаррири Чори Латипов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, «XXI аср» газетаси Бош муҳаррири Норқобил Жалилов, «Mahalla» газетаси Бош муҳаррири Бахтиёр Абдусатторов, ёш ижодкорлар, мактабнинг тўгарак аъзолари иштирок этишди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда ҳар икки алломанинг бой ва серқирра ижодий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уларнинг ўлмас асарларини юртимизда ва хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш ҳамда хотирасини абадийлаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, улар тугилган саналарни ҳар йили адабиёт ва маърифат байрами сифатида юк-

сак даражада нишонлаш анъанага айланди. Тадбир доирасида Навоий ва Бобур шахси, уларнинг ижодий мероси ҳақида сўзлаб берилди. Ўқувчилар ўша давр ҳаётини акс эттирувчи сахна кўринишларини намойиш этишди, бобокалонларимизнинг ижод намуналарини ёддан ўқиб беришди. Меҳмонлар уларга «Ижод нашр» нашриёти томонидан чоп этилган китобларни тақдим этишди.

Айтиш керакки, ҳозирда мазкур мактабда 816 нафар ўқувчи етти йўналишдаги 50 дан ортиқ тўгаракда машғул ўтказмоқда. Жумладан, «Хорижий тиллар», «Хунармандчилик ва қўл меҳнати», «Жисмоний тарбия ва спорт», «Маданият ва санъат» йўналишидаги тўгарак аъзолари ҳар йили пойтахтимиз ва республика миқёсидаги турли кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.



Муҳайёхон АСТАНОВА, Тошкент шаҳри Миробод туманидаги «Баркамол авлод» болалар мактаби услубчиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОНОВ

Ижодий гуруҳ:
Санжар ИСМАТОВ,
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ

Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyī» МЧЖ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоиси келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Ўлчам — А3, 4 босма табоқ. **8 510 нусхада чоп этилди.** Буюртма №: Г-218 Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

